БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 200

17 НОЯБРЬ ЧОРШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш учун! (1-нчи бет).

Москвада П. И. Чайковскийга ҳайкал очилди (1-нчи бет).

В. И. Ульянов (Ленин) номидаги Қозон университетининг 150 йиллиги (1-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ. **А. Иваненко.** — Омма ўртасида ишлашни янада яхшилаймиз. **Н. Белуков.** — Ижрони текширишга э'тиборни кучайтирайлик (2-нчи бет).

ЎЗБЕКИСТОН ССР нинг 30 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН. **М. С. Виридарский.** — Халқ кутубхонаси (2-нчи бет).

Мамлакатга тобора кўп пахта етказиб берамиз! Ю. Хўжабеков. — Пахта ялпи маҳсулотини кўпайтириш резервлари. **Н. Каржаулов.** — Кузги тадбирларни ўз вақтида амалга оширамиз (3-нчи бет).

В. Легостаев. — Областимизда янги ерларни ўзлаштириш масалаларига доир (3-нчи бет).

БМТ Бош Ассамблеясининг тўққизинчи сессияси (4-нчи бет).

АҚШнинг Осиёдаги сиёсати ҳақида Синьхуа агентлиги обзорчисининг ёзганлари (4-нчи бет).

Президент Эйзенхауэр Париж битимларини АҚШ сенатига топширди (4-нчи бет).

Тошкентда (4-нчи бет).

Пахтачиликни янада зўр бериб юксалтирайлик

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Иттифоқ ҳукумати пахтачиликни юксалтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг партия XIX с'езди директивалари ва КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларига асосланиб, Ўзбекистон ССРда 1954 — 1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида қабул қилган қарори бу буюк ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Партия ва ҳукуматимизнинг кундалик ёрдами ва доимий ғамхўрлиги туфайли Ўзбекистон Совет Иттифоқининг асосий пахта базасига, бутун дун'ёга донги кетган шонли пахтакорларнинг юртига айланди. Пахта ўзбек халқининг буюк коммунизм қурилиши ишига қўшадиган энг муҳим хиссаси, улуғ рус халқи ва Совет Иттифоқидаги бошқа барча қардош халқлар билан абадий дўстлигининг моддий ифодаси бўлиб қолди. Пахта туфайли Совет Ўзбекистонининг шон ва шуҳрати бутун оламга ёйилди. Эндиликда ғалла, металл ва нефть халқ хўжалигимизнинг эҳтиёжи учун қанчалик зарур ва аҳамиятли бўлса, пахта ҳам шунчалик катта аҳамиятга эгадир.

Областимиз пахтакорлари партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигига жавобан пахтачиликни юксалтириш соҳасида зўр ғайрат ва сабот билан кураш олиб бормоқдалар. Илғор колхоз ва совхозлар совет агробиология фани ютуқларидан, мавжуд механизация воситаларидан ва мўл ҳосил усталларининг тажрибаларидан кенг фойдаланиб, пахта ҳосилини йил сайин оширмоқдалар, экин майдонларини тобора кенгайтирмоқдалар. Прогрессив иш методларини ишлабчиқаришга дадиллик билан ҳаждий равишда жорий қилаётган, деҳқончилик маданиятини тинмай ошираётган илғорларнинг тажрибаси пахтачиликни янада зўр бериб юксалтириш учун жуда катта резервлар ва тўла имкониятлар борлигини кўрсатади.

Сирдар'ё районидаги «Ҳақиқат» колхозининг а'золари фақат шу йилнинг ўзидагина 130 гектар янги ерни ўзлаштириб, экин майдонини 630 гектарга кенгайтирдилар ва ҳарбир гектар ердан ўрта ҳисобда 33 центнердан ҳосил олиб, пахта тайёрлаш планини 7 ноябрьда областьда биринчи бўлиб бажаришга муваффақ бўлдилар. Колхоз сўнгги 7 йил ичида ҳарбир гектар ердан олинадиган ҳосилни ўрта ҳисобда 10 центнерданга оширди. Колхоз а'золари пландан ташқари давлатга яна камида 260 тонна пахта топширишга қарор қилдилар.

Пахтадан мислсиз мўл ҳосил етиштираётган на пахтанинг ялпи ҳосилини кўпайтираётган илғорларнинг тажрибасини кенг оммалаштириб, пахтачиликни ривожлантиришда умумий юксалишга эришиш — давлат аҳамиятига эга бўлган энг улуғ ишдир. Мамлакатга тобора кўп пахта етказиб бериш — ўзбек халқининг шон-шарафи иши, буюк ватанпарварлик бурчидир. Ҳозир йил бўйи қилинган фидокорона меҳнат самараларини якунлайдиган, йиғим-теримнинг муваффақиятини, ҳосилнинг миқдорини ҳал қиладиган, барча партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг ишчанлик ҳамда ташкилотчилик қобилиятини синовдан ўтказадиган жуда мураккаб ва мас'улиятли пайт келди. Пахтачиликни янада ривожлантириш вазифаларини бу йилги ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай тезроқ йиғиб-териб давлатга топшириш ва келгуси йил мўл ҳосили учун тайёргарлик ишларини ҳозирдан кучайтириб юборишни талаб қилади. Бироқ, шу кундарда колхоз, совхоз ва МТСларда олиб борилаётган ишлар, пахта тайёрлаш ва кузги шудгорлашнинг сур'ати пахтачиликни юксалтиришнинг улуғвор вазифаларига сра мос келмайди, шу кунинг талабига мутлақо жавоб бермайди.

Пахта тайёрлашда мавсум бошидан бери илғор бўлиб келаётган Сирдар'ё, Мирзачўл, Верхне-волинск районлари ҳали ҳам илғорликни сақлаб келаётган бўлсалар-да, кейинги кунларда сур'атни анчагина бўшаштириб юбордилар. Пахта йиғим-теримининг дастлабки кунларида областьда биринчи бўлиб келган Гулистон районн ҳозир бешинчи ўринга тушиб қолди. Йиғим-теримда ҳалигача кескин бурилиш ясайолмаган Чиноз ва Пискент районлари пахта тайёрлашда тобора пастга қараб кетмоқдалар.

Область пахтачилигида салмоқли ўрин тутадиган Янгийўл, Ўртасарой, Ўртачирчиқ районлари пахта тайёрлашда ёнингарчилик кўпроқ бўлган ўтган йилдаги сур'атдан ҳам анча орқада қолмоқдалар. Чунончи, Янгийўл райони ўтган йилдагидан 12,5 процент, Ўртасарой райони салкам 10 процент ва Ўртачирчиқ райони 16 процент кейинда бормоқда. Пахта йиғим-терининг сўнгги якунловчи кунларида бу районларнинг раҳбарлари С. Мусаев, У. Мусаев, Юнусов, Умаров, Бердиев ва Кусаев ўртоқларнинг план бажарилмаган ўтган йилги сур'атдан ҳам орқада қолишга тоқат қилиб келаётганликлари тааччубланарлидир.

Шуни унутмаслик керакки, областимиз ҳукуматимизнинг ғамхўрлигига жавобан пахтачиликни юксалтириш соҳасида зўр ғайрат ва сабот билан кураш олиб бормоқдалар. Илғор колхоз ва совхозлар совет агробиология фани ютуқларидан, мавжуд механизация воситаларидан ва мўл ҳосил усталларининг тажрибаларидан кенг фойдаланиб, пахта ҳосилини йил сайин оширмоқдалар, экин майдонларини тобора кенгайтирмоқдалар. Прогрессив иш методларини ишлабчиқаришга дадиллик билан ҳаждий равишда жорий қилаётган, деҳқончилик маданиятини тинмай ошираётган илғорларнинг тажрибаси пахтачиликни янада зўр бериб юксалтириш учун жуда катта резервлар ва тўла имкониятлар борлигини кўрсатади.

Сирдар'ё районидаги «Ҳақиқат» колхозининг а'золари фақат шу йилнинг ўзидагина 130 гектар янги ерни ўзлаштириб, экин майдонини 630 гектарга кенгайтирдилар ва ҳарбир гектар ердан ўрта ҳисобда 33 центнердан ҳосил олиб, пахта тайёрлаш планини 7 ноябрьда областьда биринчи бўлиб бажаришга муваффақ бўлдилар. Колхоз сўнгги 7 йил ичида ҳарбир гектар ердан олинадиган ҳосилни ўрта ҳисобда 10 центнерданга оширди. Колхоз а'золари пландан ташқари давлатга яна камида 260 тонна пахта топширишга қарор қилдилар.

Пахтадан мислсиз мўл ҳосил етиштираётган на пахтанинг ялпи ҳосилини кўпайтираётган илғорларнинг тажрибасини кенг оммалаштириб, пахтачиликни ривожлантиришда умумий юксалишга эришиш — давлат аҳамиятига эга бўлган энг улуғ ишдир. Мамлакатга тобора кўп пахта етказиб бериш — ўзбек халқининг шон-шарафи иши, буюк ватанпарварлик бурчидир. Ҳозир йил бўйи қилинган фидокорона меҳнат самараларини якунлайдиган, йиғим-терининг муваффақиятини, ҳосилнинг миқдорини ҳал қиладиган, барча партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг ишчанлик ҳамда ташкилотчилик қобилиятини синовдан ўтказадиган жуда мураккаб ва мас'улиятли пайт келди. Пахтачиликни янада ривожлантириш вазифаларини бу йилги ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай тезроқ йиғиб-териб давлатга топшириш ва келгуси йил мўл ҳосили учун тайёргарлик ишларини ҳозирдан кучайтириб юборишни талаб қилади. Бироқ, шу кунларда колхоз, совхоз ва МТСларда олиб борилаётган ишлар, пахта тайёрлаш ва кузги шудгорлашнинг сур'ати пахтачиликни юксалтиришнинг улуғвор вазифаларига сра мос келмайди, шу кунинг талабига мутлақо жавоб бермайди.

Пахта тайёрлашда мавсум бошидан бери илғор бўлиб келаётган Сирдар'ё, Мирзачўл, Верхне-волинск районлари ҳали ҳам илғорликни сақлаб келаётган бўлсалар-да, кейинги кунларда сур'атни анчагина бўшаштириб юбордилар. Пахта йиғим-теримининг дастлабки кунларида областьда биринчи бўлиб келган Гулистон районн ҳозир бешинчи ўринга тушиб қолди. Йиғим-теримда ҳалигача кескин бурилиш ясайолмаган Чиноз ва Пискент районлари пахта тайёрлашда тобора пастга қараб кетмоқдалар.

Область пахтачилигида салмоқли ўрин тутадиган Янгийўл, Ўртасарой, Ўртачирчиқ районлари пахта тайёрлашда ёнингарчилик кўпроқ бўлган ўтган йилдаги сур'атдан ҳам анча орқада қолмоқдалар. Чунончи, Янгийўл райони ўтган йилдагидан 12,5 процент, Ўртасарой райони салкам 10 процент ва Ўртачирчиқ райони 16 процент кейинда бормоқда. Пахта йиғим-терининг сўнгги якунловчи кунларида бу районларнинг раҳбарлари С. Мусаев, У. Мусаев, Юнусов, Умаров, Бердиев ва Кусаев ўртоқларнинг план бажарилмаган ўтган йилги сур'атдан ҳам орқада қолишга тоқат қилиб келаётганликлари тааччубланарлидир.

Шуни унутмаслик керакки, областимиз ҳукуматимизнинг ғамхўрлигига жавобан пахтачиликни юксалтириш соҳасида зўр ғайрат ва сабот билан кураш олиб бормоқдалар. Илғор колхоз ва совхозлар совет агробиология фани ютуқларидан, мавжуд механизация воситаларидан ва мўл ҳосил усталларининг тажрибаларидан кенг фойдаланиб, пахта ҳосилини йил сайин оширмоқдалар, экин майдонларини тобора кенгайтирмоқдалар. Прогрессив иш методларини ишлабчиқаришга дадиллик билан ҳаждий равишда жорий қилаётган, деҳқончилик маданиятини тинмай ошираётган илғорларнинг тажрибаси пахтачиликни янада зўр бериб юксалтириш учун жуда катта резервлар ва тўла имкониятлар борлигини кўрсатади.

Сирдар'ё районидаги «Ҳақиқат» колхозининг а'золари фақат шу йилнинг ўзидагина 130 гектар янги ерни ўзлаштириб, экин майдонини 630 гектарга кенгайтирдилар ва ҳарбир гектар ердан ўрта ҳисобда 33 центнердан ҳосил олиб, пахта тайёрлаш планини 7 ноябрьда областьда биринчи бўлиб бажаришга муваффақ бўлдилар. Колхоз сўнгги 7 йил ичида ҳарбир гектар ердан олинадиган ҳосилни ўрта ҳисобда 10 центнерданга оширди. Колхоз а'золари пландан ташқари давлатга яна камида 260 тонна пахта топширишга қарор қилдилар.

Пахтадан мислсиз мўл ҳосил етиштираётган на пахтанинг ялпи ҳосилини кўпайтираётган илғорларнинг тажрибасини кенг оммалаштириб, пахтачиликни ривожлантиришда умумий юксалишга эришиш — давлат аҳамиятига эга бўлган энг улуғ ишдир. Мамлакатга тобора кўп пахта етказиб бериш — ўзбек халқининг шон-шарафи иши, буюк ватанпарварлик бурчидир. Ҳозир йил бўйи қилинган фидокорона меҳнат самараларини якунлайдиган, йиғим-теримнинг муваффақиятини, ҳосилнинг миқдорини ҳал қиладиган, барча партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг ишчанлик ҳамда ташкилотчилик қобилиятини синовдан ўтказадиган жуда мураккаб ва мас'улиятли пайт келди. Пахтачиликни янада ривожлантириш вазифаларини бу йилги ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай тезроқ йиғиб-териб давлатга топшириш ва келгуси йил мўл ҳосили учун тайёргарлик ишларини ҳозирдан кучайтириб юборишни талаб қилади. Бироқ, шу кунларда колхоз, совхоз ва МТСларда олиб борилаётган ишлар, пахта тайёрлаш ва кузги шудгорлашнинг сур'ати пахтачиликни юксалтиришнинг улуғвор вазифаларига сра мос келмайди, шу кунинг талабига мутлақо жавоб бермайди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ СУДЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг Президиуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР халқ судлари сайлови 1954 йил 19 декабрь — якшанба куни ўтказилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛХОМОВА.

Тошкент шаҳри, 1954 йил, 16 ноябрь.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 16 НОЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Сирдар'ё	0,32	91,44	Оққўрғон	0,32	72,79
Мирзачўл	0,25	87,94	Чиноз	0,36	72,44
Верхне-волинск	0,33	87,45	Янгийўл	0,45	70,99
Оржоникидзе	0,49	84,93	Октябрь	0,54	66,89
Гулистон	0,36	82,62	Бекобод	0,31	64,01
Калинин	0,67	82,41	Оҳангарон	0,39	63,56
Юқоричирчиқ	0,38	82,35	Пискент	0,32	60,29
Қуйичирчиқ	0,76	75,35	Ўртасарой	0,29	57,94
Бўка	0,38	73,45	Ўртачирчиқ	0,43	56,64
Ҳовос	0,42	72,96	Паркент	0,47	56,17

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 16 НОЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
«Малик»	0,22	101,38	1-нчи «Далварзин»	0,21	74,84
16-нчи совхоз	0,44	90,31	2-нчи «Боёвут»	0,45	73,62
1-нчи «Боёвут»	0,55	77,84	2-нчи «Далварзин»	0,39	71,72
«ЎзССР бешйиллиги»	0,76	75,35	17-нчи совхоз	0,43	68,43
3-нчи «Боёвут»	0,51	75,32	3-нчи «Далварзин»	0,27	60,27
			4-нчи «Боёвут»	0,42	59,58

Бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш учун!

☆ ☆ ☆

Москвалилардан намуна олиб

ЧИРЧИҚ, (ЎзТАГ). «Чирчиксельмаш» заводи коллективи ўнбир ойлик планни бажарди. Чўзиладиган чўян цехининг ишчилари йиллик топшириқни ҳозирдаёқ бажардилар. Ўтган йилдагига нисбатан 17 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот берилди, меҳнат унуми 14,4 процент ошди.

«Чирчиксельмаш»да бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа бошлаб юборишни таклиф этган Москва илғор корхоналарининг ватанпарварлик чақиригига бағишланган кўпкишилик йиғилиш бўлиб ўтди. Завод ишчилари ва инженер-техник ходимлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан бешйиллик планни Улуғ Октябрьнинг 38 йиллигигача бажариш мажбуриятини олдилар. Улар бешйилликнинг охиригача меҳнат унумини 1950 йилдагига нисбатан 60 процент оширишга, 1955 йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг таннархини эришилган даражага нисбатан 5 процент камайтиришга қарор қилдилар.

Завод ишчиларининг ватанпарварлик ташаббуси

Москва шаҳар саноат корхоналари коллективларининг 1951—1955 йилларга мўлжалланган давлат планини муддатидан олдин бажариш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббуси Тошкентдаги электромеханика заводининг ишчи, хизматчи, ва инженер-техник ходимларининг ижодий ғайратини янада ошириб юборди.

Завод коллективи мавжуд резервлардан унумли фойдаланиш ҳамда меҳнат унумини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилаб, унинг таннархини камайтириш олиб келадиган барча воситаларни ишга солиш натижасида 1954 йил учун белгиланган йиллик ишлабчиқариш программасини ялпи маҳсулот бўйича ҳам, товар маҳсулоти бўйича ҳам 1 ноябрьдаёқ тўла-тўкис бажаришга эришди.

Завод ишчилари ва инженер-техник ходимлари, ўз ички имкониятларини пухта ҳисобга олиб, эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш мақсадида йил охиригача 1955 йил ҳисобидан яна 1 миллион 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб бериш мажбуриятини олдилар.

Б. ПАРФЁНОВ.

Социалистик мусобақа илғорлари

Тошкент шаҳар меҳнаткашлар депутатлари Совет ижроия комитети ва шаҳар партия комитетининг Бюроси шаҳарни ободонлаштириш юзасидан социалистик мусобақанинг шу йил 3 квартал натижаларини якунладилар.

Шаҳар ижроия комитети ва шаҳар партия комитетининг кўчма Қизил байроғи учинчи кварталда ўзаро социалистик мусобақада биринчи ўринни эгаллагани учун Марказий районга берилди. (Район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Қодиров, район партия комитетининг секретари ўртоқ Шкуратов, район коммунал хўжалигининг мудири Юсупов ўртоқлар) анча яхши ишлар қилинганлигини та'кидлаб ўтдилар.

Янги муваффақиятлар сари

КПСС Марказий Комитетининг байроқлари Чақириқларидан ғоятда руҳланган «Таштекистильмаш» заводининг коллективи зўр ғайрат блан ишлаб, шонли Октябрьни муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олди. Октябрь ойи топшириғи муддатидан илгари бажарилди ва пландан ташқари мамлакатимиз тўқимачилик саноати учун 400 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Москва шаҳар корхоналарининг бешинчи бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада кенгайтириш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббуси завод ишчилари ва инженер-техник ходимлари томонидан қизғин ма'қулланмоқда.

Шу кунларда корхонадаги барча участкалар, цехлар ва сменаларда москвалилар ташаббуси кенг муҳокама қилинмоқда, ишчилар ўз зиммаларига янги оширилган мажбуриятлар олмоқдалар. СССР тараққиётининг бешинчи бешйиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланиб кетган умумхалқ курашига завод ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш мақсадида зўр кўтаринки руҳ блан меҳнат қилмоқдалар. Улар ишлабчиқариш процессларини янада такомиллаштириш, меҳнат унумини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтиришга қаратилган кўплаб қимматли таклифларни жорий қилмоқдалар.

Ички резервлардан унумли фойдаланиб ишлаётган ўртоқ И. П. Рибалка бошлиқ 5-нчи механика цехи бу мусобақада олдинги ўринларда бормоқда. Цехнинг ватанпарвар ишчилари прогрессив иш методларини қўлланиб ишлашлари натижасида биргина октябрь ойининг ўзида меҳнат унумини 5 процент оширишга муваффақ бўлдилар. Цехда ойлик ишлабчиқариш топшириғи муддатидан анча илгари оширилиб бажарилди ва пландан ташқари бирнеча ўн минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Илғор ишчилардан Киреенко, Климов, Ҳудайқулов ва бошқа ўнлаб ишчилар кундалик смена топшириқларини систематик равишда 320—350 процентга етказиб бажармоқдалар. Бу ташаббускор ўртоқлар бешинчи бешйиллик топшириқларини ҳозирнинг ўзидаёқ ортиқ блан бажариб, келгуси бешйилликлар ҳисобига маҳсулот бермоқдалар.

З. ОРИПОВ.

Октябрьолди мусобақасида эришилган муваффақиятлар мустаҳкамланмоқда

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг коллективи Октябрьолди социалистик мусобақасида эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллигини ишлабчиқаришда янги, юқори кўрсаткичлар блан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

Металлургларнинг москвалилар ташаббусига қўшилиб, йиллик планни муддатидан илгари бажариш ва йил охиригача халқ хўжалигимиз учун пландан ташқари бирнеча минг тонна пўлат бериш учун барча ички резервлардан унумли фойдаланиб ишламоқдалар. Ўртоқ Оморов бошчилик қилаётган 2-нчи сон печьнинг коллективи кунлик ва ҳафталик топшириқларини систематик равишда ошириб бажариб, ҳаммага ўрнак бўлмоқда. Бу ташаббускор коллектив меҳнат унумини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун курашиб, янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

Пўлат эритучи Ярулин, Мирзаматов, Жалилов ва бошқа ўртоқлар прогрессив иш методларини қўлланиб, пўлатни жадал усулда эритмоқдалар. Натижада ҳарбир пўлат эритмасини тайёрлашда 1—1,5 соат вақт тежалмоқда. Иқтисод қилинган бу вақт ичида пландан ташқари кўплаб пўлат эритилмоқда.

А. ШАЙХОВ.

Пландан ташқари маҳсулот

Чирчиқдаги «Электрошчит» заводининг коллективи Москва шаҳар корхоналарининг қимматли ташаббусларига қўшилиб, ўз зиммасига янги оширилган мажбуриятлар олмоқда. Монтаж-йиғиш цехининг коллективи октябрь ойида пландан ташқари юзларча щчит ва памельлар ишлаб чиқарган эди. Цех коллективига Горький шаҳрида қурилаётган ГЭС ва Ангор ГЭСи учун 6 памельли щчит ва 20 дона бир памельли щчит тайёрлаб бериш топширилган эди. Цех коллективи бу буюртмаларни икки кун илгари бажариш мажбуриятини олди.

Ўзаро мусобақада комсомол-ёшлар ҳаммага намуна бўлмоқдалар. Айниқса Богданов, Савельев, Саидуморов бошчилигидаги комсомол-ёшлар бригадалари унумли ишламоқдалар. Бу бригадалар кундалик топшириқни 2—3 баравар ошириб бажараётирлар.

Трансформаторлар тайёрлаш цехининг коллективи ҳам самарали меҳнат қилмоқда. Бу цех 10 ойлик пландан ташқари 50 дан ошиқ трансформатор ишлаб чиқарган эди. Ҳозир цех коллективи москвалилар ташаббусига қўшилиб ноябрь ойи планидан ташқари 20 та трансформатор ишлаб чиқариш мажбуриятини олди. КПСС а'зоси ўртоқ Бойко бошчилик қилаётган бригада а'золари айниқса юқори меҳнат кўрсаткичларига эришаётирлар.

Р. РАҲИМОВА, И. САТТОРОВ.

Оҳангаронлилар москвалилар чақириғини қувватламоқдалар

Москва саноат корхоналари коллективларининг бешйиллик планни муддатидан олдин тугаллаш учун социалистик мусобақани кучайтириб юборишни тўғрисидаги пожинчиларини оҳангаронли шахтёрлар қизғин қувватламоқдалар.

Айниқса, қўмир разрезининг ишчи ва механизаторлари зўр ғайрат блан ишламоқдалар. Разрез машинисти Абил Абляметов Улуғ Октябрьнинг 37 йиллигі кунигача бешйиллик топшириғини ортиғи блан бажарди. У, йил охиригача яна олти ойлик нормани бажаришга сўз берди. Шунингдек, 9-нчи шахтанинг Фахрий шахтёри Братерский, Бобров, Ҳожимуротов ўртоқлар бошчилигидаги навалоотбойщчилар бригадаси пландан ташқари ҳар сменада юзлаб тонна қўмир бермоқдалар.

Е. ГОДОВИКОВ, Ф. ПЕТРОВ.

Москвада П. И. Чайковскийга ҳайкал очилди

Совет ҳукуматининг қарори блан Москвада улуғ рус композитори Петр Ильич Чайковскийга ҳайкал қурилди.

15 ноябрьда ҳайкални тантанали равишда очиш маросими бўлди. Ҳайкал қурилган давлат консерваториясининг биноси олдига соат тўртда пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари, маданият ва сан'атнинг отоқли арбоблари тўпландилар.

Митингни СССР Маданият министри Г. Ф. Александров очди. У ўз халқининг ва бутун инсониятнинг катта ҳурматига сазовор бўлган П. И. Чайковскийнинг ижоди тўғрисида гапирди. Чайковскийнинг ҳарбир мелодиясида жонажон мамлакатга, ўз халқига бўлган қизғин муҳаббат таранним этилмоқда. Бу унинг музыкасини ҳарбир совет кишисига тушунарли бўлишини та'минлади. Чайковский халқ тўғрисида ва халқ учун ёзган эди. У ўз асарларида жонажон рус табиатининг гўзаллигини, одамнинг гўзаллигини очиб берди. Чайковскийнинг сан'ати бутун прогрессив инсонят учун қадрлидир.

Ўртоқ Александров ҳайкални очади. Ҳайкал олдида тўпланган халқ қизғин, олқишлайди.

Бу ҳайкал СССР халқ сан'аткори В. И. Мухина модели асосида ясалган. Бу ҳайкалда композиторнинг ижодий фикрга тўлиб-тошиб турган пайти тасвирланади. Ҳайкал ўрнатилган гранит супанинг атрофи ярим доира шаклидаги панжаралар блан ўралган. Бу панжаранинг бадиий безакларига П. И. Чайковскийнинг тўғилган ва ўлган йиллари ҳамда кунлари, композиторнинг асарлари бўлган «Евгений Онегин» операси, «Оққуш қўли» балети, олтинчи симфония, биринчи квартет, скрипка учун ёзилган концерт, романсларидан олинган музикавий миср'ар бронза ҳарфлар блан ёпиштирилган.

Яқинда консерватория биноси олдида ўтқазилган қайин, арча дарахтлари, сирень кўчатлари ҳайкалга ажойиб ҳусн бўлиб турибди. Бу дарахтлар ва гуллар кўкламда рус табиатининг гўзал манзараси бўлиб яшнайди ва гуллайди.

СССР совет композиторлари союзининг бош секретари Т. Н. Хренников митингда сўзга чиқиб, П. И. Чайковскийнинг Москва консерваториясидаги фаолияти тўғрисида гапириб берди.

Сўнгра композитор Д. Д. Шостаковичга сўз берилади.

— Бугун очилаётган ҳайкал, — дейди у, — ўлмас Чайковскийнинг улуғлигини кўрсатучи символгина бўлиб қолмасдан, шу блан бирга бу ҳайкал мамлакатимиз халқларининг гениал композиторга бўлган жуда катта ҳурматини ва муҳаббатини ҳам ифодаловчи символдир.

Нутқлар тамом бўлди. П. И. Чайковскийнинг СССР Мудофаа министрлиги оркестри томонидан ижро этилган «Тантанали марш»и ўзининг ёқимли садолари блан янграйди. Ҳайкалга жуда кўп гулчамбарлар қўйилади. Булар орасида пойтахт меҳнаткашлари номидан, совет композиторлари союзидан, СССР Большой театри коллективидан, П. И. Чайковский номидаги давлат консерваториясидан, Гнесинлар номидаги музика-педагогика институти томонидан ва бошқа коллективлардан қўйилган гулчамбарлар бор.

П. И. Чайковский ҳайкалининг олдидан ярим кечагача одамлар тўлқини аримади. (ТАСС).

В. И. Ульянов (Ленин) номидаги Қозон университетининг 150 йиллиги

ҚОЗОН, 15 ноябрь. (ТАСС). Мамлакатдаги энг кекса олий ўқув юртларининг бири бўлган В. И. Ульянов (Ленин) номидаги Қозон давлат университетининг барпо қилинганига ўн еттинчи ноябрьда 150 йил тўлади.

Қозон университетининг олимлари рус ва жаҳон фанини ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшдилар, Россиядаги революцион курашда актив иштирок қилдилар. Қозон университетининг Н. Лобачевский негиз солган геометрия мактаби ва отоқли рус олими Н. Зинин ва ҳозирги замон органик химиясининг негизи бўлган моддалар тузилиши назариясини яратган гениал олим А. Бутлеров яратган химия мактаби бутун дун'ёга машҳурдир. Қозон медицина мактаби ҳам рус ва жаҳон фанига қимматли ҳисса қўшди. Адамюк, Бехтерев, Лесгафт Вишневский, Миславский, Виноградов ва бошқа отоқли олимлар Қозон медицина мактабининг шуҳратини ёйдилар.

Университетнинг тараққиёти талантли олим, педагог ва тарбиячи Н. Лобачевскийнинг номи блан боғланган. У, 20 йил мобайнида университет ректори бўлиб ишлади. Бу олим университетнинг илмий ва ўқитиш фаолиятини юксак даражага кўтаришга муваффақ бўлди. Лобачевский Евклид назариясидан фарқ қилган геометриясини яратиш блан ўз номини абадийлаштирди, бу геометрия ҳозирги вақтда бутун инсониятга хизмат қилмоқда.

Қозон университетининг профессори Иван Симонов 1819 йилда Ф. Беллинсгаузен ва М. Лазарев раҳбарлиги остида жанубий кутбга борган экспедицияда қатнашди. Шу экспедиция вақтида Антарктида ва Улуғ океаннинг жанубий қисмидаги ҳамда Жанубий Муз океанидаги кўпгина ороллар кашф қилинган эди.

Қозон университетидан кўпгина рус революционерлари етишиб чиқди. 1887 йил кузида В. И. Ленин юридик факультетнинг биринчи курсига ўқишга кирди. В. И. Ленин ўша йил декабрь ойида студентлар ғалаёни вақтида студентларнинг революцион курашларида иштирок қилиб ва бу курашга раҳбарлик қилиб, ўзининг революцион кураш раҳбари эканлигини биринчи марта кўрсатди.

1925 йилдан бери улуғ Лениннинг ўлмас номи блан аталиб келаётган Қозон университети совет ҳокимияти йилларида фаннинг энг катта маркази бўлиб қолди.

Университетнинг илмий мактаблари муваффақият блан ривожланмоқда: профессор А. П. Норден бошчилигидаги бир группа талантли олимлар Лобачевский та'лимотини давом этдирмоқдалар. Отоқли олимлардан академиклар А. Е. ва Б. А. Арбузовлар ҳозирги вақтда Бутлеровнинг химия мактабига бошчилик қилмоқдалар.

Университетнинг кўпгина кафедралари Волгада гидроэлектростанциялар қуриш, Куйбишев денгизини барпо қилиш ва «Иккинчи Бокў» районидаги нефть базаларини ишлабчиқиш блан боғлиқ бўлган темалар устида ишламоқдалар.

Илмий кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам университетнинг роли анча ошди. Кейинги йилларда бу ерда 25 киши докторлик унвонини олиш учун ва 267 киши кандидатлик унвонини олиш учун диссертация ёқлади. Қозондаги олий ўқув юртларида профессорлик ва ўқитучилик қилаётган кишиларнинг кўпчилик қисми Қозон университетини тамомлаб чиққан кишилардир.

Ҳозирги вақтда университетда 30 дан кўпроқ миллатдан бўлган тўрт мингга яқин студент ўқимоқда. Университетнинг революцияга қадар бўлган 113 йиллик даври мобайнида уни татарлардан фақат 6 киши тамомлаб чиққан эди. Ҳозирги вақтда университетнинг етти факультетида 900 дан кўпроқ татар ўқимоқда, буларнинг ярмидан кўпи хотин-қизлардир.

Университетда кафедралардан ташқари А. М. Бутлеров номидаги илмий-текшириш химия институти, Н. Г. Чеботарев номидаги илмий-текшириш математика ва механика институти, Н. И. Лобачевский номидаги жуда катта илмий кутубхона, зоология, геология-минерология ва этнография музейлари, иқкита астрономик обсерватория, биология станцияси ишламоқда.

В. И. Ульянов (Ленин) номидаги Қозон университетининг студентлар, олимлар ва ўқитучилардан иборат катта коллективи ўзининг шонли 150 йиллик юбилейини ўқитиш ишларидаги ва илмий фаолиятдаги, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги жуда катта ютуқлар блан кутиб олмоқда.

В. И. Ульянов — Ленин номли Қозон университетининг корпусларидан бири. Мясников фотоси (ТАСС фотохроникаси).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Омма ўртасида ишлашни янада яхшилаймиз

Аввал мен район партия комитетида қишлоқ хўжалиқ бўлимининг мудири бўлиб ишлар эдим. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қароридан кейин район партия комитетининг бюроси мени Ворошилов номли, Сталин номли колхозларга райкомнинг инструктори қилиб тайинлади. Мен ишни планли ташкил қилиб бутун куч ва э'тиборимни партия ташкилотларининг ишини яхшилашга, бошланғич партия ташкилоти секретарларининг ишчанлик қобилиятларини оширишга қаратдим. Партия ташкилоти секретарлари блан доимо ишлаб, уларнинг омма блан алоқасини мустаҳкамлашга яқиндан ёрдам бердим.

Партия ташкилотлари колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириб, уларни картошка ва сабзавот экиларидан кўпроқ маҳсулот етиштиришга сафарбар қилдилар. Агитаторларнинг семинарлари мунтазам ўтказилиб, энг яхши агитаторларнинг иш тажрибалари оммалаштириб турилди. Сталин номли колхознинг 5-нчи ва 7-нчи бригадаларининг агитаторлари З. Усмонова, М. Исломов ўртоқлар мўл сабзавот экинлари етиштириш ва уни йиғиштириб олишда намуна кўрсатган илғор сабзавотчиларнинг ютуқларини кенг пропаганда қилдилар. Агитаторларнинг меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш унумини ошириш тўғрисида ўтказган суҳбатлари картошка ва сабзавот маҳсулотларини тез йиғиштириб олиш ва уни давлатга топшириш планларини бажаришга катта ёрдам берди. Бу бригадаларнинг а'золари мўл сабзавот ҳосили етиштириш блан бирга келгуси йил учун уруғлик жамғариб қўйиш юзасидан белгиланган топшириқни муваффақиятли бажардилар.

В. Қаюмов, Ш. Эшбоев, Ш. Юсупов каби агитаторлар колхозчилар ўртасида қизиқарли суҳбатлар ўтказдилар. Ишда шахсан ўзлари ҳам намуна кўрсатдилар. Улар ишга эрта чиқиб, кеч қайтдилар, картошка қазиш нормаларини ошириб бажардилар.

Ворошилов номли колхознинг 8-нчи ва 9-нчи бригадалари колхоздаги энг қолоқ бригадалардан ҳисобланар эди. Мен бригадаларда бўлдим, колхозчилар блан суҳбат қилдим. Суҳбатда ма'лум бўлишича, бу бригадаларда иссиқ овқат системали ташкил қилинмаган. Бўпгина колхозчилар ишлабчиқаришда қатнашмай қўйганлар. Айрим колхозчилар эса ишга келсалар ҳам, нормани бажармай ишдан қайтиб кетаверганлар. Бундай аҳвол бригадаларда етиштирилган ҳосилнинг ўз вақтида йиғиштириб олинмаслигига сабаб бўлган. Мен бу ишга партия ташкилоти секретарининг э'тиборини қаратдим. Ишга чиқмаган, нормани бажармаганлар блан алоҳида-алоҳида суҳбатлашдим. Бу ерда колхозчиларга кино-концертлар қўйиб берилди, тез-тез доклад ва суҳбатлар ўтказилди. Дала шийпонлари шиор, плакатлар блан безатилиб, ҳарбир колхозчининг кунлик ва бешкунлик меҳнат натижалари эшитдирилиб борилди. Илғорларга мукофотлар берилди.

Бундай тадбирлар қолоқ бригадаларда меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, иш унумини оширишга ёрдам берди.

Партия ташкилоти секретарьларига колхозларда дала шийпонларини безатиш, кутубхоналарда оммавий ишларни кучайтириш соҳасида ҳам яқиндан ёрдам бердим. Кутубхоналарни янги китоб фонди блан бойитиш, кўчма кутубхоналар ташкил қилишда бирмунча ишлар қилинди. Ўнлаб колхоз активлари бадиий адабиётларни зўр қизиқиш блан ўқимоқдалар. Агитаторлар ҳикоя ва достонлардан парчалар ўқиб колхозчиларни китобга бўлган қизиқишларини ортдирмоқдалар.

Колхозчилар ўртасида олиб борилаётган бу ишларимиз етарли эмас. Ҳали биз илғорларнинг иш тажрибаларини оммалаштиришда, қишлоқ активлари блан ишлашда, аҳоли ўртасида илмий-атеистик пропагандани ўтказишда етарли иш қилганимиз йўқ. Биз бу камчиликларни тузатиш блан бирга омма блан ишлашни янада яхшилаш учун барча чораларни кўрамиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, район партия комитети ва унинг бюроси инструкторлар блан ишлашга ҳалигача етарли аҳамият бермаётир. Инструкторларнинг семинарлари ўтказилиб турилмайди. Инструкторларнинг семинарларини ўтказиш ва уларда тажриба олмошиш катта аҳамиятга эгадир. Бу муҳим ишга район партия комитети жиддий э'тибор бермоғи керак.

А. ИВАНЕНКО,
Ўзбекистон КП Калинин район комитетининг инструктори.



Суратда: «Ўзбексельмаш» заводи ишчилари учун Қорамурт кўчасида янги қурилган уй-жой бинолари.
В. Лейн ва Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Редакцияга хатлар

Қурилиш материаллари қачон берилади?

Якка уй-жой қуручиларни қурилиш материаллари блан та'мин этиш мақсадида матлубот союзларига топширилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эвазига қурилиш материаллари бериш ҳақида алоҳида қарор чиқарилган эди. Аммо Юқоричирчиқ район матлубот союзи (раиси Ўрток Шоҳмуродов) бу принципнинг қўпол равишда бузилишига йўл қўймоқда.

Биз давлатдан шифер, толь, тахта каби қурилиш материаллари олиш учун шу йилнинг февраль ойида район матлубот союзига 5764 сўмлик сут, гўшт ва тухум топширдик. Қурилиш материаллари узлуксиз бўлиб турсада, нимагадир Ўрток Шоҳмуродов бизларни «эрта кел, индин кел» деб кўпдан бери сарсон қилмоқда.

Қураётган иморатларимизнинг деворлари аллақачонлар кўтарилган. Аммо, район матлубот союзи ва унинг раиси ўз ишига мас'улиятсизлик блан қараб, қурилиш материаллари беришни пайсалга солаётгани сабабли иморатнинг битиши судралиб келаётир. Юқоричирчиқ район матлубот союзи бизга қурилиш материалларини қачон бераркин?

Г. БЕКМУХАМЕДОВ,
А. АСАДУЛЛИН,
Х. КАРИМОВ,
Юқоричирчиқ канон заводининг ишчилари.

Х. МУСАҚУЛОВ,
«Коммунизм» колхозининг а'зоси.

Колхозчилар талаби қондирилсин

Ховос районидаги Хрущчев номли колхоз шу йил баҳорда ташкил этилган эди. Колхозимиз ташкил этилгандан буён ўтган шу қисқа вақт ичида еттийиллик мактаб, 3 та пахта сушилкаси, 30 та уй-жой ва бошқа жамоат бинолари қурилиб, ишга туширилди. Янги қурилган бинолардан бирини медицина пункти учун ажратганмиз. Колхоз правлениеси колхозчилар фикрини ифодалаб, район соғлиқни сақлаш бўлимидан колхозга врач юборишни сўради. Броқ район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Ўртоқ Султонов «штатимиз йўқ» деган баҳона блан врач юборишни пайсалга солмоқда.

Колхозимизда медпункт ташкил қилиш жуда зарур. Чунки, медицина ёрдами керак бўлиб қолганида колхозчилар 8 километр йўл юриб, район марказидаги амбулаторияга боришга мажбур бўлмоқдалар.

Колхоз а'золари область ва район соғлиқни сақлаш бўлимидан Хрущчев номли колхозда медицина пункти очиш ва уни малакали врач блан та'минлашни талаб қилмоқдалар.

К. ТИКАЕВ,
Колхоз ҳосилот советининг раиси.

Музика та'лими яхши йўлга қўйилсин

Ёш авлод орасида музика та'лимини кенг ёйиш катта тарбиявий-сиёсий ишлардан биридир. Аммо Чирчиқ шаҳар маданият бўлими (мудири Ўртоқ И. Рабинович) шаҳардаги ёшлар ўртасида музика билимини ёйиш, мактаб ва корхоналар ҳузуридаги бадиий ҳаваскорлик ишларини жонлантириш ишига етарли аҳамият бермаётир.

Чирчиқ шаҳридаги Муқимий номли ўзбек миллий чолғу асбобларини ўргатучи музика мактабидаги аҳвол жуда ёмон. Йил бошида мактабга 30 ўқучи қабул қилинган эди. Аммо мактабда дарслар паст савияда ўтмоқда, ўқучилар ўртасида тушинтириш ишлари олиб борилмаётир. Ҳозир мактабда атиги 7 киши ўқимоқда.

Чирчиқ шаҳар маданият ва халқ маорифи бўлимлари болалар орасида музика пропагандасини кучайтириш соҳасида амалий тадбирлар белгилашлари керак.

С. ВОҲИДОВ.

Ижрони текширишга э'тиборни кучайтирайлик

Қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш — партия ташкилотларининг муҳим ишларидан биридир. Агар қабул қилинган қарорнинг ижросини текширишга жиддий э'тибор берилмаса, чиқарилган яхши қарор ҳам ҳаётий кучини йўқотиб, ҳеч қандай фойда келтирмайди.

«Чирчиксельмаш» заводининг партия ташкилоти партиявий-сиёсий, ташкилий-хўжалик ишларини яхшилашга доир анчагина қарорлар қабул қилди. Қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан назорат қилиниши туфайли, уларнинг кўпи муваффақиятли бажарилмоқда.

Темирчилик-пресс цехи кўп вақт ойлик планни бажармас эди. Партия бюроси бу цехнинг ишини яхшилаш ҳақидаги қарори цех партия ташкилотининг йиғилишида кенг муҳокама қилиди. Сўзга чиққан коммунистлар завод партия бюроси қарорини амалга ошириш тўғрисида ўз фикрларини айтдилар. Завод партия ташкилоти эса ўз қарорининг ижроси устидан контрольлик қилиб турди. Цехда кунлик ва ҳафталик ишлар якунланиб, ишлабчиқариш резервларидан тўғри фойдаланишга жиддий э'тибор берилди. Илғор ишчиларнинг иш тажрибалари агитаторлар ёрдами блан кенг пропаганда қилинди. Илғорларнинг учрашувлари ташкил қилиниб, иш унумини ошириш юзасидан тажриба олмоштирилди. Натижада темирчилик-пресс цехининг иши яхшиланаборди. Кўп ўтмай цех умумий юксалишга эришди ва ойлик давлат планларини системали равишда ошириб бажарадиган бўлиб қолди.

Цех коллективи кейинги 3 ой давомида ишлабчиқариш планини 114—118 процентдан бажарди. Ғўзапоя юлучи машиналар ишлаб чиқариш ва уларни МТС ларга жўнатиш ҳақидаги ҳукумат топшириғи муддатидан илгари бажарилди.

Партия ташкилотининг раҳбарлигида завод ишчилари 1100 дона сушилка тайёрлаш ҳақидаги муҳим топшириқни муддатидан 32 кун илгари муваффақиятли бажардилар.

«Чирчиксельмаш» заводи партия ташкилоти ўзи чиқарган қарорларнинг ижроси учун курашда бирмунча ишлар қилди. Аммо бўлар ҳали етарли эмас. Ҳали биз коммунистларнинг бутун э'тиборини чиқарилган қарорларнинг тўла бажарилишига қаратаолганимиз йўқ. Шу туфайли айрим қарорлар ўз вақтида бажарилмай қолмоқда. Партия бюросининг завод бошқармаси партия ташкилоти ва механика цехи партия ташкилотларининг иши ҳақида чиқарган қарорлари ҳали ҳам қониқарсиз бажарилмоқда. Бу ташкилотларда партия йиғилишлари ўз вақтида ўтказилмаётир, агитаторлар блан ишлаш яхши йўлга қўйилмаган.

Завод партия бюроси партиявий-ташкилий ишларни янада яхшилаб, қабул қилинган ҳарбир қарорнинг тўла бажарилиши устидан назоратни кучайтиради, коммунистларни ва бутун коллективни ишлабчиқариш давлат планларини муваффақиятли бажаришга сафарбар қилади.

Н. БЕЛУКОВ,
«Чирчиксельмаш» заводи партия ташкилоти секретарининг ўринбосари.

Капитал қурилиши масаласи шаҳар партия комитети муҳокамасида

ОЛМАЛИҚ. (ЎзТАГ). Шаҳар партия комитетининг пленуми Олмалиқда капитал қурилиш ишларининг аҳволи ҳақидаги масалани муҳокама қилди.

Уй-жой ва маданий-маиший қурилиш ишларига сарфланаётган маблағ ҳажми анча ўсган. Ўн ой ичида шаҳарда 17 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой, икки қаватли клуб биноси, бирнеча магазин, ошхона, болалар боғчаси ва медицина пунктлари қурилган. Шаҳарни обод қилиш соҳасида катта ишлар бажарилган. Ҳамма асосий магистральларга асфальт ётқизилган.

Қуручилар йил охиригача яна уч минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой майдонини, бирнеча магазинни, болалар муассасаларини, ошхоналарни, мактаб биноларини фойдаланишга топширишлари лозим. Броқ шаҳар қурилиш трести бошқаручиси Марцинюкнинг докладида ва сўзга чиққанларнинг нутқларида та'кидлаб ўтилганидек, шаҳардаги қурилиш ташкилотлари ҳали қониқарсиз ишлаётирлар. Капитал қурилиш юзасидан белгиланган ўн ойлик план трест бўйича бажарилмаган. Иш сифати ҳали паст, механизмлар ва автопарк кўп вақт бекор туради, индустриал методлар етарли жорий қилинмай келади.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди.

Комсомоллар сиёсий билимларини оширмоқдалар

Ўртасарой районидаги Сталин номли колхоз ёшлари комсомол маорифи шоҳобчаларидаги сиёсий мактабда ўқиб, сиёсий билимларини оширмоқдалар. Қурбонов, Абдуллаев, Аҳмедов каби комсомол а'золари машғулотларга актив қатнашиб, ўрганилган темалар юзасидан конспект ёзиб бормоқдалар.

Машғулотларни уюшқоқлик блан ўтказишда пропагандист Қўчқор Парпиевнинг роли каттадир. У ҳарбир машғулотга пухта тайёрланиб, кўргазмали қуроллардан тўғри фойдаланмоқда.

И. ИБОДОВ.

Бўлажак сан'аткорлар

Островский номли Тошкент театр сан'ати бадиий институти 1945 йилда ташкил қилинган бўлиб, шу вақтгача кўпгина актёрлар, режиссёрлар ва театршуносларни етиштириб чиқарди. Ҳозир институтнинг актёрлик, режиссёрлик, театршуносликфакультетларида ҳаммаси бўлиб 204 студент ўқимоқда. Булардан 55 киши актёрлик факультетининг биринчи курсига қабул қилинган рус, ўзбек, қирғиз, қорақалпоқ йигит-қизларидир.

Бу йил институтда янги рассомлик факультети очилди, бу факультет республикамизнинг театр саҳналарини безайдиган юқори малакали рассомлар тайёрлаб чиқаради. Бу факультетга қабул қилинганлар орасида кўзга кўринган рассомлардан С. Абдуллаев, Темиров, Муҳамедов, Ўзбекистон сан'ат музейининг директори Ш. Ҳасанова каби рассомлар ҳам бор.

Институтнинг марксизм-ленинизм, актёрлик маҳорати, режиссёрлик, театр тарихи, саҳна тили, тил ва адабиёт, рассомлик кафедраларидаги 50 га яқин малакали педагоглар орасида профессорлар, доцентлар, республикамизнинг отоқли артистлари ҳам бор. Рус ва ғарб театрлари тарихи бўйича мутахассис-профессорлардан М. С. Григорьев, Ўзбекистон ССР халқ рассоми О. К. Татевосян ва Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Уйғурлар ҳам шу ерда дарс берадилар. Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драм театрининг артистларидан Олим Хўжаев, Н. Раҳимовлар ўзларининг артистлик маҳоратларини бўлажак сан'ат усталарига ўргатмоқдалар. Актёрлик факультетининг студентлари диплом спектаклини қўйишга дастлабки кунлардан бошлабоқ уюшқоқлик блан киришдилар. Ўзбек группаси А. С. Пушкиннинг «Тош меҳмон», кирғиз группаси Н. В. Гогольнинг «Ўйланиш», қорақалпоқ группаси Мольернинг «Скапеннинг найранглари» пьесаларини саҳнага қўйиш учун ижодий иш олиб бормоқда.

Режиссёрлик факультетининг студентлари январь ойидан бошлаб республикамиздаги театрларга диплом спектаклларини қўйиш учун жўнаб кетадилар.

Институтни битирганлардан Я. Абдуллаева, И. Алиева, Л. Бадаловлар Ҳамза номли ўзбек академик драм театрида, Р. Ҳамроев, Ҳ. Умаровлар Муқимий номидаги музикали драм театрида муваффақият блан ишламоқдалар. Шунингдек Бухоро, Фарғона, Хоразм область театрларининг бош режиссёрлари Ботиров, Отақулов, Муҳамедов Ўртоқлар ҳам шу институт қучоғида тарбия олиб етишган кадрлардандир.

Институт кутубхонасининг китоб фондида 21 мингга яқин ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ тилларидаги китоблар бор. Бу ердан рус ва ғарб театрлари тарихига оид нодир асарларни ҳам топиш мумкин.

Институт коллективи республикамизнинг 30 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Институт ўқитучиларининг яқинда чақириладиган илмий сессияда «30 йил ичида ўзбек театр сан'ати», «30 йил ичида ўзбек драматургияси», «Рус драма театрининг ўзбек драма театрига та'сири» деган темаларда лекциялар ўқиш планлаштирилган. Бундан ташқари студентлар турли корхона ва муассасаларга чиқиб спектакльлар қўйиб берадилар.

Студентлар бу йил актёрлик ва режиссёрлик маҳорати бўйича кенгайтирилган янги программа асосида лекциялар тинглайдилар. Бу программа улуғ рус режиссёри Станиславский та'лимоти асосида актёрлик маҳоратини янада чуқурроқ ўзлаштириш имконини беради. Ҳар шанба куни театршуносликка оид масалаларни муҳокама қилишга бағишланган кеча ўтказиш традиция бўлиб қолган. Яқинда бўлиб ўтадиган шанбалик кечаларида А. О. Гинзбург «Артистларда ижодий тасаввурни тарбиялаш», Т. Ҳўжаев «Станиславский системасининг асосий принциплари» деган темаларда илмий лекциялар ўқийдилар.

Н. РИХСИЕВ.

Спорт заллари қишга тахт қилиб қўйилди

Социалистик Чирчиқ шаҳридаги «Химик» кўнгилли спорт жамиятининг стадиони шаҳарда энг катта стадионлардан бири ҳисобланади. Бу ерда ёзда икки хонадан иборат катта зал қурилган эди. Ҳозир бу залга электр чироқлари ўрнатилди ва тахта пол ётқизилди. Бу ерда 25 ноябрьда Совет Ўзбекистонининг 30 йиллик юбилейи шарафига шахмат турнири бошланади.

Шунингдек янги қурилган бинода қишки мавсумда ҳам спортнинг барча турлари бўйича мусобақалар ўтказилиши белгиланди. Ёзги клуб биносининг саҳнаси футболчи, баскетболчи ва боксчиларнинг тренировка қилишлари учун мослаштирилди.

Булардан ташқари «Средазхиммаш» заводининг «Торпедо» командаси учун корхона ишчи-ёшлар ётоқхонасидаги қизил бурчак ва ишчилар клубининг фойесидан алоҳида жойлар ажратилиб, муносиб жиҳозланди. Ҳозирги кунда бу ерда «Торпедо» ва «Строитель» командаларининг боксчи ҳамда акробатчилари мусобақа ўтказаётирлар.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР НИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Халқ кутубхонаси

Ўзбек халқининг рус халқи блан дўстлашишга интилиши унга бўлган ишончи, ҳурмати, икки халқнинг ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалари собиқ Туркистоннинг Россияга қўшилишидан анча илгари пайдо бўлган эди. Ўзбекистоннинг Россияга қўшилиши — исте'додли рус халқи блан дўстлик ва биргаликда меҳнат қилиш йўлига кирган ҳамда ана шу алоқаларда сахий рус қалбининг бутун муҳаббатини англаб олган ўзбек халқининг ўз экономикаси ва маданиятини янада ривожланиши прогрессив аҳамиятга эга бўлди.

Рус халқи Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгариёқ ўзбек халқи маданиятининг ўсишига ёрдам кўрсатабошлаган. Ўзбек халқи маданиятининг ривожланишида рус халқининг бегараз ёрдам кўрсатганини Туркистон халқ кутубхонаси (Ҳозирги Алишер Навоий номидаги Давлат Халқ кутубхонаси) нинг барпо этилишида яққол кўриш мумкин. Бу кутубхона 1870 йил июнь ойида очилган эди. У ҳозир Совет Иттифоқидаги энг йирик кутубхоналардан бири ҳисобланади.

Чор Россияси бу кутубхонани ташкил қилишга рухсат берганида, кенг ва бой Туркистон ўлкасини тезроқ ўрганиш, унинг бойликларини ўзлаштириб олиш мақсадини кўзда тутган эди. Бунинг об'ектив натижаси шу бўлдики, кутубхона ўлкада илмий ва маданий тадбирларни амалга ошириш учун дастлабки имкониятларни яратиб берди.

Шу нарса характерлики, Тошкентда кутубхона ташкил қилинишини Россиянинг Петербург ва Москва каби марказий шаҳарларидаги илмий ва жамоат ташкилотлари самимий равишда қўллаб-қувватладилар. Россия Фанлар академиясининг бош штаби, олий ўқув юртлари, рус география жамиятининг кутубхонаси, археология комиссияси ва бошқа муассасалар бу маданий тадбирни амалга оширишга мамнуният блан ёрдам кўрсатдилар. Улар қолоқ ўлкада ташкил қилинаётган маданият ўчоғига ўз китоб фондларидан китоблар юбордилар. Кутубхона очилган дастлабки даврда унинг китоб фонди 2 минг 200 томдан ошмасди.

Кутубхонанинг раҳбари қилиб йирик ўлкашунос, кўпгина библиографик асарларнинг автори Н. В. Дмитровский (1841—1910 йиллар) тайинланган эди. Дмитровскийнинг ўзи кутубхонанинг яккаю-ягона ходими бўлиб, бошқа ҳеч ким ишламас эди. Ўша пайтда Дмитровский кутубхонанинг русча бўлимидаги китобларнинг босма каталогини тузиб чиққан эди. Кутубхонанинг китоб фонди борган сари ортаборди. 1916 йил, революция арафасида кутубхонанинг китоб бойлиги 30 минг томга етади.

Фан ва маданият ишига кўпмиллионли меҳнаткашларни жалб қилаолган Улуғ Октябрь социалистик революцияси, ҳамма соҳада бўлганидек, кутубхона ҳаётида ҳам бурилиш ясади. Шундан сўнг кутубхонанинг китоб фонди ва ходимлар сони тез ўсабошлади. Ҳозир Алишер Навоий номли халқ кутубхонаси ўз полкаларида 1 миллион 700 минг дона ҳархил асарларни сақламоқда. Кутубхонада ишловчи ходимларнинг сони революциядан илгариги йилларга нисбатан бирнеча ўн баравар кўпайди. Агар кутубхонада 1910 йилда 5 ходим ишлаган бўлса, ҳозирда ходимлар сони 121 кишига етган, шулардан 86 киши малакали кутубхоначидир.

Совет Иттифоқида босиладиган китобларнинг кўпчилиги кутубхонага келиб туради. Фақат шу йилнинг уч кварталида кутубхона фондига 152 минг 689 нуска нашриёт маҳсулотлари қўшилди. Кутубхонада китоблардан ташқари газета, журнал, илмий-текшириш муассасаларининг асарлари, нота, карта, плакат, фоторепродукция ва бошқа хил нашриёт асарлари ҳам сақланади.

Кутубхонанинг эски ва нодир асарлар бўлимида сақланаётган китоблар жуда қимматлидир. Бу бўлимда қадимги четэл тилидаги китоблар, 1483 йилда нашр этилган «Инкунабула» қадимги рус нашриёти намунаси, биринчи рус нашрчиси Иван Федоров томонидан 1581 йилда нашр этилган «Острожский библияси» каби китоблар сақланмоқда. Кутубхонада рус марифатчиси Н. И. Новиковнинг «Рус ёзувчилари тўғрисида тарихий лугат тажрибаси» китоби ҳам бордир. Бу, библиография нуқтаи назаридан жуда нодир китоблар қаторига киради. Шунингдек, бу ерда В. И. Ленин «Искра»сининг жуда юпқа хитой қоғозига босилган асл нусҳасини, 1905—1906 йилларда Россияда чиққан китоб ва журналларни кўриш мумкин.

Эски ва нодир асарлар бўлимидаги китоблар ичида 591 томдан иборат «Туркистон тўплами» алоҳида ўринни ишғол қилади. Бу тўплам колониал Туркистон ва унга кўшни бўлган давлатлар ҳақидаги ҳархил тарихий ма'лумотларнинг ноёб йиғиндисидан иборатдир. Тўпламнинг бирхил ҳажмдаги томларига газета, журнал ва китоблардан қирқиб олинган саҳифалар тикилгандир. «Туркистон тўплами»нинг биринчи томини отоқли рус библиографи В. И. Межнов 1867 йилда тузган эди. Революциядан илгариги Ўзбекистон ва Ўрта Осиё тўғрисида, қайси бир фан юзасидан бўлмасин, илмий-текшириш ишлари олиб бормоқчи бўлган ҳарбир олимнинг «Туркистон тўплами»га мурожаат қилмасдан иложи йўқ.

Алишер Навоий номидаги халқ кутубхонаси шаҳар меҳнаткашларига, интеллигентларга, студентлар ва ўқучиларга намунали маданий хизмат кўрсатмоқда. Ҳозир кутубхонада 4 та ўқув зали бор. Китобхонлар ва студентларга хизмат қиладиган умумий ўқиш залига 220 киши сиғади. Мутахассислар ва илмий ходимлар учун ажратилган зал 80 кишига мўлжалланган, шунингдек, профессор ва старший илмий ходимлар учун 16 кишилик, 8—10 синф ўқучиларининг дарс тайёрлашлари учун 100 кишилик махсус хоналар ҳам бор. Кундалик матбуот ва нашриёт янгиликлари блан танишиб туриладиган хонадаги газета ва журналлардан китобхонлар эркин равишда фойдаланаоладилар. Сталин номидаги пионерлар саройида кутубхонанинг филиали ташкил қилинган. Бу филиал 1—7-нчи синф ўқучиларига хизмат қилади.

Кутубхонанинг доимий китобхонларининг сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда кутубхонанинг 13 мингдан ортиқ доимий ўқучиси бор. Буларга шу йилнинг ўтган 10 ойи ичида ярим миллиондан ошиқ китоб берилди. Қиш пайтларида кутубхонага келучилар сони ҳар куни олти—етти юз кишига етади.

Алишер Навоий номли кутубхона меҳнаткашлар, интеллигентлар, студентларнинг китобга нисбатан ўсиб бораётган талабларини назарга олиб, кутубхоналараро абонемент системаси орқали республикамиздаги олий ўқув юртлари, илмий-текшириш институтлари, тажриба станциялари, завод ва фабрика, область, район, шаҳар ва қишлоқ кутубхоналарига вақтинча фойдаланиш учун ўз фондидаги китоблардан юбориб туради.

Кутубхона коллективи кутубхона фондини кенг ўқучилар оммасига ма'лум қилиш, ундан фойдаланиш йўлларини осонлаштиришни ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Шу мақсадда улар оммавий кутубхоначилар ва китобхонларга ёрдам сифатида айрим асарларнинг мазмунини баён қилучи тўлақонли каталоглар, библиографик рўйхатлар ва методик қўлланмалар тузмоқдалар. Кутубхона каталоглар залининг справочний пунктидан ҳарбир китобхон ўзига зарур бўлган китобдан тортиб, ма'лум бир темага оид актуал адабиётлар тўғрисида истаган ма'лумотни олиши мумкин.

Кутубхонага ҳар куни айрим кишилар ва ташкилотлардан турли мазмунда кўплаб хатлар келиб туради. Тошкент киностудияси кутубхонадан «Амирликнинг емирилиши» кинофильми учун тарихий материалларни тўплаб беришни, Ленногорскдан (Шарқий Қозоғистон) илмий ходим ўртоқ Албаров эса ўзбекларнинг этногенезиси тўғрисидаги адабиётларни сўраганлар. Кутубхона ходимлари республикамизнинг илмий ва хўжалик эҳтиёжларини назарга олиб, бу йил 19 та китобни нашрга тайёрлади. Бу китоблар республиканинг 30 йиллик юбилейи кунларида босиб чиқарилади.

Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллик юбилейи олдидан оммавий, кутубхоначиларга ёрдам сифатида рус ва ўзбек тилларида «Ўзбекистоннинг 30 йиллиги» номли китоб нашрга тайёрланди. Бу китоб Ўзбекистон тарихига оид адабиётлар рўйхати ва методик қўлланмадан иборатдир.

Қишлоқ хўжалигига оид адабиётларни кенг пропаганда қилиш мақсадида кутубхона ходимлари адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган қуйидаги китобларни нашрга тайёрладилар: «Суториладиган ерларда пахтачилик», «Машина-трактор станцияларининг ишчилари нималарни ўқишлари керак», «Ўзбекистон чорвачилигининг эришган муваффақиятлари ва уни ривожлантириш йўллари», «Ўзбекистонда картошка ва сабзавотдан қандай қилиб мўл ҳосил етиштирилади» ва бошқалар.

Кутубхонада жамоатчиликнинг диққат марказида турган масалалар ва тарихий воқиаларга атаб, системали равишда бадиий жиҳатдан яхшилаб безатилган виставкалар ва китоб витриналари ташкил қилиниб туради. Фақат шу йилнинг ўзида 72 дан ортиқ тематик виставкалар ташкил қилинди. Булар орасида Украинанинг Россияга қайта қўшилишининг 300 йиллиги, отоқли ўзбек шоири ва драматурги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг вафотига 25 йил ва улуғ рус ёзувчиси А. П. Чеховнинг вафотига 50 йил тўлиши муносабати блан ташкил қилинган виставкалар қозирги ва бадиий юксаклиги блан жамоатчиликнинг диққатини ўзига жалб қилди.

Кутубхонада систематик равишда китобхонлар конференцияси, адабий-бадиий кечалар ўтказиб турилади, турли темаларда лекциялар бўлади. Бундай оммавий тадбирларга китобхонлар актив қатнашадилар. Шу йилнинг июнь ойида пахтачиликни механизациялашга доир адабиётлар муҳокамасига бағишланган китобхонлар конференцияси принципиал танқид асосида жуда қизиқарли ўтди. Ёш китобхонлар учун адабий эрталиклар ва викториналар уюштирилади, кичик ёшдаги болалар учун баланд овоз блан китоб ўқиб берилади.

Кутубхона фаолиятининг борган сари кенгайиб, халкимиз сиёсий-маданий савиясининг тўхтовсиз юксалиб бориши кутубхона иш методларини янада такомиллаштириш ва ходимларнинг малакасини оширишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам кутубхона ҳаётида ходимларнинг ўқиши, ёш кадрлар тайёрлаш ишига катта аҳамият берилмоқда. Ҳозир кутубхонанинг ёш ходимларидан 17 киши ишдан ажратилмаган ҳолда Москва ва Ленинград шаҳарларидаги кутубхона институтларида сиртдан ўқиб ўз билим малакаларини оширмоқдалар. Кўп ходимлар Республика сиёсий-оқартув мактабида, Белинский номидаги кечки Педагогика институтида ўқимоқдалар Кутубхонанинг ўзида доимий семинар ва махсус малака ошириш курслари ташкил қилинган.

Китобхонларга намунали маданий хизмат кўрсатаётган Республикада хизмат кўрсатган кутубхоначилардан Б. Бетгер ва Н. Челнокова, библиограф-ўлкашунослар П. Авшарова, Г. Умаров, С. Салихов ўртоқлар жамоатчилик ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Шу кунларда кутубхона коллективи Ўзбекистоннинг 30 йиллик юбилейига материаллар тўплаш ва виставкани жиҳозлаш устида қизғин иш олиб бормоқдалар. Кутубхона ходимлари, маданият соҳасида ишловчи барча ходимлар блан бир қаторда халқимизни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига бундан кейин ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

М. С. ВИРИДАРСКИЙ.

Алишер Навоий номли Давлат халқ кутубхонаси директорининг илмий бўлим бўйича ўринбосари, республикада хизмат кўрсатган кутубхоначи.

МАМЛАКАТГА ТОБОРА КЎП ПАХТА ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ!

«СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети Ўзбекистон ССРда пахтачиликни янада юксалтиришга катта аҳамият бериб, халқ хўжалигининг эҳтиёжларини пахта блан та'минламоқ учун республика колхозлари, МТСлари ва совхозлари олдига 1954—1958 йилларда пахта етиштиришни камида 1,8 миллион тонна миқдорида кўпайтириш вазифасини қўядилар». (СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРда 1954—1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қароридан).

★

Пахта ялпи маҳсулотини кўпайтириш резервлари

Ю. ХУЖАБЕКОВ,
Ховос районидаги Карл Маркс номли колхознинг раиси.

Колхозимизнинг унумдор ерлари Ховос районининг «Янги ер» участкасида жойлашган. Партия ва ҳукуматимизнинг чақиригига жавобан бу ерларни очиб, экин майдонларига, мевазор боғларга, узумзорларга айлантирабошлаганимизга атиги тўрт йил бўлди. Мана шу қисқа муддат ичида колхознинг жамоат хўжалигида, колхозчиларнинг маданий-маиший ҳаётида унутилмас қувончли воқиалар юз бердики, буни хурсандчилик блан эслаб ўтишга тўғри келади.

Бу вақт ичида колхозимиз комплекс равишда ривожланган йирик миллионер колхозга айланди. Колхозчиларимиз эса бадавлат ва маданий турмушга эга бўлдилар. Колхоз а'золари сувдан унумли фойдаланиб, экин майдонларини муттасил кенгайтиришдан иборат шарафли вазифани зўр ғайрат блан амалга ошириб, катта муваффақиятни қўлга киритдилар. Жумладан, пахта майдони 1953 йилда 1149 гектарга етиб, 1949 йилдагига нисбатан 15,3 баравар кўпайди. Колхозчилар мичуринча илғор агробиология фани ютуқларини ва илғорлар тажрибасини кенг қўлланиб, пахта ҳосилини анча оширидилар. Масалан, ўтган йили колхоз пахта тайёрлаш давлат планини 115 процент бажарди. Етиштирилган ҳосил колхозда 1949 йилда етиштирилган ҳосилдан 34 баравар кўпдир.

1948 йилда колхоз атиги 190 минг сўм даромад қилган эди. Ўша йили колхозчиларнинг ҳарбир меҳнат кунига 1 сўм 85 тийиндан пул тақсимланган эди. Колхоз ўтган йили 10 миллион 281 минг сўм, я'ни 1949 йилга нисбатан 22 баравар кўп даромад қилди. Даромаднинг кўп қисми пахтадан келди. Бунинг 436.977 сўми устама мукофот тариқасида олинди, чорвачиликдан қилинган даромад 540 минг сўмдан ортиқ бўлди.

Колхозимиз ўтган йиллар давомида эришган ана шу муваффақиятлари учун бу йил Ватанимизнинг пойтахти — жонажон Москвада очилган Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг қатнашчиси бўлди. Колхоз а'золари юксак унвонни сақлаб қолиш учун курашиб, кенг майдонларда юксак социалистик мажбуриятнинг бажарилишини та'минлайдиган даражада мўл ҳосил етиштиришга эришдилар.

Биз бу йил она-Ватанимизга 1363 гектар ердан 3,5 минг тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олганмиз. Ҳозиргача давлатга 3075 тонна ёки йиллик планнинг қарийб 90 проценти миқдорида пахта топширдик. Лекин биз йиллик пахта тайёрлаш планимизни шу йил 20 октябрьгача бажариш тўғрисида берган ва'дамизни бажараолмадик. Буни очиқ э'тироф этиш керак. Ва'дамизнинг устидан чиқаолмаганимизнинг асосий сабаби шундаки, колхоз правлениеси ва партия ташкилоти йиғим-теримни аввалдан белгилаб чиқилган қат'ий план асосида уюштирабилмади. Бригадаларда кунлик графикларнинг тўла ва ошириб бажарилиши устидан бўш контрольник қилинди, илғор теримчиларнинг тажрибалари колхоздаги барча теримчилар ўртасида суст оммалаштирилди. Терим машиналардан фойдаланиш соҳасида бу йил ҳам бирқатор нуқсонларга йўл қўйдикки, бу мутлақо кечириб бўлмайдиган бир ҳолдир.

Агар пахта терими колхоз правлениеси, партия ташкилоти томонидан тузилган ва барча колхозчиларнинг умумий йиғилишида ма'қулланиб, матбуотда э'лон қилинган план асосида олиб борилганда эди, пахта тайёрлаш плани белгиланган муддатда сўзсиз бажарилган бўлур эди.

Биз ҳозиргача давлатга топширган пахтамиз учун 10 миллион сўмдан ортиқ даромад қилдик. Шундан 3 миллион сўми устама мукофот тариқасида олинди.

Ўртоқ Хўжаназар Расулев ҳосилот совети раиси бўлган 1-нчи участкамиз 600 гектар ернинг ҳар гектаридан ҳозирданоқ 30 центнердан пахта топширди. Шу участкага биркитилган Эгамназар Абдужабборов бошлиқ бригада 44 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта йиғиб олиб, йиллик пахта тайёрлаш планини шарқ блан адо этди. Шунингдек Абдимўмин Тошматов бошлиқ бригада 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан, Ўртоқ Азимов бошлиқ бригада 79 гектар ернинг ҳар гектаридан 29 центнердан, Ўртоқ Ҳолиқул Иброҳимов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси 83 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта топшириб планларини бажардилар.

Колхознинг шу йил очилган «Янги ер» участкасида жойлашган Қўшбой Жабборов, Турғунбой Эргашев, Рустам Худойбердиев ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам пахта тайёрлаш планларини бажардилар.

Колхозимиздаги юқори ҳосилли звеноларнинг ҳаммасида ҳам пахталарни қўлга киритдилар. Ўртоқ Хатам Раҳмонқулов бошлиқ звено а'золари 12 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан, Ўртоқ Тошбек Бердиёров бошлиқ звено 39,5 центнердан, Ўртоқ Тўлаган Мавлонов бошлиқ звено а'золари эса 10 гектар ернинг ҳар гектаридан 42 центнердан пахта олдилар.

Колхознинг бирқатор бригадаларида пахта теримида соатли график усулининг қўлланилиши яхши натижа берди. Бу йил 12—15 тоннадан пахта териш мажбуриятини олган, йиғим-теримнинг дастлабки кунларидан бошлаб соатли график асосида ишлаган чевар теримчиларимиздан Ўртоқ Тожихон Искандарова ҳозиргача 9,5 минг килограмм пахта терди. Шунингдек Турсуной Шерназарова, Ойнисо Аблиёева, Ирисгул Эгамбердиева, Ўразгул Шоузоқова ўртоқларнинг ҳарбири 8—9 минг килограммдан пахта териб топширдилар.

Йиғим-терим сур'атини тезлатишда машиналар катта роль ўйнади. Колхозимиз далаларида бу йил 10 та машина ишлаб, 250 гектар ердан 200 тонна пахта териб олинди. Илғор механик-ҳайдовчилардан Абдулла Ҳайдаров 45 тонна ва Қўчқор Назаралиев 40 тонна пахта терди берди.

Кеш келганда айтиш керакки, колхозимизга терим машиналарини юборишга райондаги 2-нчи МТС раҳбарлари (директори ўртоқ Киселев) ўтакетган даражада мас'улиятсизлик блан қарадилар. Натижада бу йил колхозимизда ишлаши лозим бўлган 8 пахта териш машинаси юборилмади. Мана бу ҳол ҳам пахта йиғим-теримини бирмунча кечиктириб юборишга сабаб бўлди.

Қолган ҳосилни ҳам ёғин-чочин бошланмасдан, нобуд қилмасдан тезда йиғиштириб олиш, ҳосили териб олинган ерларни ғўзапоядан тозалаш ва кузги-қишки тадбирларни кучайтириб, келгуси йил мўл ҳосилига мустаҳкам замин яратиш — колхоз а'золарининг асосий бурчидир.

Пландан ташқари 150 тонна пахта топширамиз

А. УРОЗБОЕВ,
1-нчи «Боёвут» совхози 4-нчи бўлимининг бошлиғи

Биз пахтадан юқори ҳосил олиш учун агротехника қоидаларини ва илғорлар тажрибасини қўлланиб, яхши натижаларга эришмоқдамиз. Ғўза парвариши юқори сифатли ўтказилганлиги ва ғўзалар ернинг табиий шароитига қараб сўгорилганлиги учун яхши ривожланди ва ғўза тупларидаги кўсаклар барвақт етилди. Пахтанинг эрта очилганлиги терим сур'атини кучайтиришимизга катта ёрдам берди.

Бўлимимиз пахтакорлари 457 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил топшириб, йиллик пахта тайёрлаш планини совхозда биринчи бўлиб муваффақиятли бажардилар. Илғор бригада ва звеноларнинг ўз ерларидан планда кўрсатилганидан анча кўп пахта йиғиб олдилар. Ф. Суяров, Б. Қораев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг а'золари 55—64,5 гектар ернинг ҳар гектаридан 34 центнердан пахта топшириб, социалистик мусобақада ғолиб чиқдилар.

Шу кунларда биз далада қолган барча ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай тезроқ йиғиб-териб олиш ва пландан ташқари давлатга яна 150 тонна пахта топшириш учун курашмоқдамиз. Ишчилар ва механизаторлар ҳосилни териб олиш соҳасида, шунингдек келгуси йил мўл ҳосили учун тайёргарлик ишларини олиб боришда фидокорлик блан меҳнат қилмоқдалар. Биз пахтаси батамом йиғиб-териб олинган далалардаги ғўзапояларни тракторлар блан юлиб олмоқдамиз ва бўшаган ерларни пешма-пеш шудгор қилаётирмиз.

Биз келгуси йил мўл ҳосили учун барвақт тайёргарлик кўриб қўямиз ва ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олиш учун пухта замин тайёрлаймиз.

Теримчи қизга

Шу чевар қўлларнинг иш, маҳоратин
Истардим, ше'римда тасвир этолсам.
Истардим, қалбдаги бор ҳароратим
Қўшиққа жойласам, бир-бир айтолсам.

Офтобдан бўртибди юзинг ширмондай
Бўйнингга қордай оқ этак боғлабсан,
Пахтани бағрингга босибсан жондай,
Гўёки, азизим, бахт қучоғлабсан.

Бахт деган нечоғлик улуғ бўлса ҳам,
Ўзи вафо блан меҳнатнинг қули,
Беҳуда ўтмасин бу ғанимат дам,
Чевар, чаққонлигин қўймасин қўлинг.

Пахтазор ишқида турасан тонгда,
Пахтазор ишқида отади тонг ҳам.
Қуёш кўзин йиртиб чопар ортингдан
Муборак изингдан қадамба-қадам.

Сенинг йўлинг, синглим, қуёшнинг йўли,
Саодат, шарафга тўлиқ, ёруғ йўл.
Меҳнат ҳосилингни йиғар бу куни,
Исрофга йўл қўйма, ҳуш'ёр, бардам бўл.

Садаф тишларини очган чаноқлар,
Ҳандон ташлаб кулган қизлардай сулув.
Бармоқ тегишига махтал—чароқлар,
Тезроқ тер, нутмасин, тўкилмасин у.
Тўкин дастурхонинг, шуҳрат, обрўйинг,
Қўш-қўша нўйлагинг пахтанг туфайли.
Биламан орзунгни, сирингни; тўйинг—
Колхозинг тўйига улансин, майли.
Бахт деган нечоғлик улуғ бўлса ҳам,
Ўзи вафо блан меҳнатнинг қули.
Беҳуда ўтмасин бу ғанимат дам,
Чевар, чаққонлигин қўймасин қўлинг.

Саида ЗУННУНОВА.

Областимизнинг донгдор кишилари: (чапдан, ўнгга) Гулистон районидаги Молотов номли колхознинг бригада бошлиғи **М. Орипов.** Бекобод районидаги «Красний хлопкороб» колхозининг чевар теримчиси **А. Туркабоева,** Мирзачўл районидаги Жданов номли колхознинг моҳир теримчиси **З. Каримова,** «Малик» совхозининг илғор механик-ҳайдовчиси **Ш. Жўратоев.** Чиноз районидаги Буденний номли колхознинг чевар теримчиси **Ш. Аҳмедова** ўртоқлар.

Кузги тадбирларни ўз вактида амалга оширамиз

Н. КАРЖАУЛОВ,
Оққўрғон районидаги «Сталинчи» колхозининг раиси.

Бу йил колхозимиз 430 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан районимиздаги Карл Маркс номли колхоз а'золари блан социалистик мусобақа боғлаган эди.

Ғўза парваришини уюштиришда ёз бўйи ўтказилган тадбирлар ўз самарасини кўрсатди. Ғўзаларимиз сер ҳосилли бўлиб етилди ва пахта эрта очилди.

Пахта йиғим-теримига ҳартарафлама пухта тайёргарлик блан киришдик. Ҳарбир теримчи учун аниқ топшириқлар белгиланди, ишлабчиқариш бригадаларига ишчи кучлари доимий биркитиб қўйилди. Партия ташкилоти бошчилигида кўпмингчи теримчилар мусобақаси кенгайди. Колхозимиз бўйича 86 теримчи мавсумда 7, 10, 15 тоннадан пахта териш мажбуриятини олдилар.

Пахтачиликда механизациядан фойдаланиш энг яхши натижалар бераётганлигини алоҳида та'кидлаш керак. МТС трактор бригадаларининг самарали ишлари натижасида ғўзани кўндалангига ишлаш, машина блан ягана қилиш каби прогрессив усуллар кенг қўлланилди.

Пахта йиғим-терими даврида бошланган социалистик мусобақанинг дастлабки натижаларини якунласак бўлади. Бригадаларо социалистик мусобақада ўртоқ Кубен Қолменов бошлиқ 6-нчи бригада катта муваффақиятларга эришди. Пахта терими даврида меҳнатни тўғри ташкил қилишга алоҳида э'тибор берилганлиги натижасида бригада пахта теримида ҳаммадан илгор бўлиб қолди. Энг муҳими, бу бригадада пахта териш машиналаридан самарали фойдаланилди. Пахтаси машина блан териладиган пайкаллар яхши тайёрланганидан пахта териш машиналарининг иш унуми юқори бўлди. Шунинг натижасида бригада 15 октябрьдаёқ пахта тайёрлаш йиллик планини бажариб, мусобақада ғолиб чиқди. 9 ноябрьгача ҳар гектар ердан 37,5 центнердан пахта топширилди.

Бу йил пахтачиликда эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш учун кузги тадбирларни ҳам амалга оширишда 6-нчи бригада а'золари бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Ҳосили машина блан терилган пайкалларнинг кўраклари териб олиниб, ғўзапоядан тозаланди. Бригадада пахта нобудгарчилигига қарши кураш яхши уюштирилди. Ғўзапояларни карчовка қилиш блан бир вақтда, ерга ўғит солиш ишлари ҳам бажарилмоқда. Шу ерларни биринчи навбатда шудгор қилишга киришилди.

Ўртоқ Бейсен Ўрозбеков бошлиқ бригада ҳам йиллик планини муддатидан олдин бажариб, гектаридан 31,5 центнердан пахта топширди.

Колхозимизда ўртоқ Кумуш Бойхўжаева бошлиқ звено мўл ҳосил етиштириб, гектаридан 48,5 центнердан пахта топширди. М. Қўзиев, У. Қўлибоев, Т. Қўзибоева ўртоқлар бошлиқ звеноларда олинган ҳосил ўтган йилдагидан анча кўпдир.

Теримчилар ўртасида бошланган кўпмингчилар мусобақаси яна қизғин бормоқда. Ўртоқ Седана Чўтанова мавсумда 9,5 тонна пахта териб берди. Шунингдек Пайсангул Лавронова, Тўйди Қўзибоева, Т. Намозбоева, З. Холбоева ўртоқлар мавсум нормаларини икки ҳиссадан ошириб бажардилар. Пахта тайёрлашдаги муваффақиятларнинг яна бир сабаби — пахта териш машиналаридан унумли фойдаланганимиздадир. Ўртоқ Шерменко бошлиқ 13-нчи трактор бригадасининг механик-ҳайдовчилари Денов Содиқов, Эҳбой Эшонқулов ўртоқлар бошқарган машиналар анчагина ҳосилни териб берди. Ўртоқ Содиқов мавсумда 44,5 тонна, ўртоқ Эшонқулов 49 тоннадан ошиқ пахта терди. Машиналар блан колхозимиз бўйича 385 тонна пахта теришга эришдик.

Мўл ҳосил етиштиришдаги муваффақиятлар натижасида коллектив хўжалигимиз катта даромад олмоқда. Топширилган пахтамиз учун устама мукофот тариқасида 1 миллион 200 минг сўмдан ошиқ даромад келди. Топширилган пахтанинг 92 проценти отбор ва биринчи сортга қабул қилинди.

Шу кунларда даладаги қолган ҳосилни йиғиб-териб олиш ва кузги тадбирларни амалга оширишга киришдик. Об-ҳавонинг ўзгариши натижасида далачилик ишлари мураккаблашди. Биз биринчи навбатда ҳосили машина блан терилган майдонни ғўзапоядан тозалашга киришдик. Бу ишни конвейер усулида ташкил қилмоқдамиз. Бригадалар икки жойга тўпланиб ишламоқдалар. Аввал пахталарни тўла териб олиб, сўнг ярим очилган кўсаклар терилмоқда. Шу блан бирга пахта қуритиш ва давлатга топшириш ишларини тўхтатмай давом этдирмоқдамиз.

Бу йилги тажриба, мелиоратив ишларни яхши йўлга қўйиш ва сугориш шохобчаларини тартибга келтириш зарурлигини кўрсатди. Шуни ҳисобга олиб, МТС механизмлари ёрдами блан янги сугориш системасига ўтиш тадбирларини амалга оширмоқдамиз.

Кузги шудгор — мўл ҳосил етиштиришнинг гарови. Шудгор қилиш олдидан ерга солиш учун минерал ўғитларни тўла ташиб олдик. Ҳарбир гектар ерни аввал ўғитлаб, сўнг шудгор қиламиз. Ҳозир колхозимиз даласида ҳайдов тракторлари унумли ишламоқда. Олмошлаб экиш планига мувофиқ бедапояларни бузиб, шудгор қилиб қўйдик, ҳозир бошқа экинлар блан банд бўлган ерларни шудгор қилишга киришдик.

«Сталинчи» колхозининг пахтакорлари даладаги ҳамма ҳосилни қисқа муддатда тўла йиғиб олиш блан бирга кузги ишларни уюшқоқлик блан амалга оширадилар.

Областимизда янги ерларни ўзлаштириш масалаларига доир

В. ЛЕГОСТАЕВ
СоюзНИХИ мелиорация секторининг раҳбари.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқнинг фаровонлик даражасини янада ошириш, Ватанимиз қудратини янада мустаҳкамлаш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар.

Партия XIX с'езди, КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларида, ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРда 1954—1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорларида озиқ-овқат ва саноат учун ҳомаш'ё бўладиган маҳсулотларни янада кўпроқ ишлабчиқариш кўзда тутилади.

1958 йилда пахта ҳозиргидан камида 1,8 миллион тонна кўпроқ етиштирилиши керак. Бу вазифа, биринчидан, мавжуд экин майдонларида ҳосилни ошириш, иккинчидан эса янги ерларни ўзлаштириб, пахта майдонларини кенгайтириш йўли блан бажарилади.

1958 йилда Ўзбекистон ССРда ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 29 центнердан ҳосил етиштирилиши ва пахта майдони 600 минг гектар кенгайтирилиши керак. Республикада янгидан ўзлаштирилаётган бутун майдоннинг қарийб 30 проценти, я'ни 180 минг гектари Тошкент областида ўзлаштирилиши лозим.

Областнинг Мирзачўл ва Далварзин чўлларида янгидан ўзлаштириш мумкин бўлган катта-катта майдонлар бор. Область қишлоқ хўжалигининг янги, мукаммал ер ишлаш, ер қазиш машиналари блан тўхтовсиз қуролланиб туриши, пахта майдонларининг минерал ўғит ва сув блан ўғла та'минланганлиги партия ва ҳукуматимиз томонидан бу вазифанинг ўз вақтида ҳал этиш учун барча имкониятлар яратиб берилаётганлигини кўрсатди.

Мирзачўлдаги катта-катта ғоят унумдор ер массивлари икки қардош Совет республикалари — Ўзбекистон ва Қозоғистон территорияларига жойлашгандир.

Мирзачўл даштлари ўзининг табиий шароити, иқлими, тупроғининг унумдорлиги, текислиги жиҳатидан пахтакорлик учун бутун Ўрта Осиёда энг яхши ерлар ҳисобланади.

Бу ерлар ишлаш учун енгил бўлиб, агар агротехника ва мелиорация тадбирлари комплекси тўғри амалга оширилса, унинг ҳар гектаридан бемалол 30—40 центнердан пахта ёки 100 центнердан мўлроқ беда ҳосили етиштириш мумкин бўлади. Бироқ, Мирзачўл ва Далварзин чўлларининг кўпгина ерларида сизот сувларининг табиий тортилиши яхши бўлмагани учун тегишли мелиоратив тадбирлар кўрилмаса шўрланиш ва қисман ботқоқланиш юз бериши мумкин.

Областнинг Чирчиқ—Оҳангарон— Келес массивларидаги ерлар пахта майдонларини кенгайтиришнинг иккинчи резерви ҳисобланади. Бу массивларнинг Ўзбекистон ва Қозоғистон республикалари территориясига кирган қисмларида 200 минг гектардан кўпроқ бўш ерлар бор. Бу ерлар типик бўз ва ўтлоқ тупроқли, шўрдан тоза ерлар бўлиб, фақат дар'ё бўйларида ва ба'зи эски ўзанларигина унча-мунча ботқоқ жойлар учрайди. Агар зарур мелиоратив тадбирлар амалга оширилса, бу ерларни тез ва осон қуритиб ишга киритиш мумкин бўлади.

Чирчиқ—Оҳангарон—Келес массивлари ўзининг табиий шароити жиҳатидан Ўрта Осиёнинг энг унумдор пахтакорлик ерлари бўлаолади.

Бу айтилган массивлардаги бўш ердан ташқари турли сабаблар блан сўгориладиган, аммо деҳқончиликда фойдаланилмай келаётган ерлар ҳарбир район ва ҳарбир колхозда ҳам топилади. Бундай ерлар бирхил колхозларда кўп бўлса, бирхил колхозларда оз, бирхилларини ўзлаштириш осон бўлса, бирхилларини ўзлаштириш учун бирмунча мелиоратив тадбирларни амалга ошириш керак. Қисқаси областда ўзлаштирилиши мумкин бўлмаган ерлар йўқ деса бўлади.

Сўгориладиган майдонни кенгайтириш учун етарлик миқдорда сув ҳам бор. Областдаги барча каналлар сув запасига бой. Мавжуд каналларнинг ҳолати ва уларнинг ҳозирги эксплуатация қилинишида оқаётган сувнинг тахминан 40—50 проценти йўлда нобуд бўлиб кетади.

СоюзНИХИнинг тажриба ма'лумотлари ва илғор тажриба, сўгориш системалари эксплуатациясини сувдан планли равишда фойдаланишга асосланса, 20 процент сув тежаш мумкинлигини кўрсатади.

Чирчиқ, Оҳангарон дар'ёлари ва Келеснинг тошқин сувларидан деҳқончилик учун жуда кам фойдаланилиб келинмоқда. Сув омборларини қуриш, биринчи навбатда. Туябўғиз ва бошқа сув омборлари қурилишини тугаллаш йўли блан тошқин сувларини тўла тартибга солиш мумкин бўлади. Тошқин сувлари тартибга солинганича улардан кузги дон экинларини сўгориш учун фойдаланиш лозим. Чунки бу экинларнинг бутун ўсув даври айни тошқин даврларига тўғри келади. Баҳорги тошқин сувларидан ярим баҳорикорлик пахтакорлиги учун ҳам фойдаланилса бўлади. Бу ҳолда вўза, тошқин даврида гектарига ҳаргал 1500—2500 кубометр сув бериб сўгорилади. Кейиндан эса ғўза сув бўлса сўгорилиб, бўлмаса сўгорилмаса ҳам ўсаверади.

Ариқ, каналларга бетон қоплаш йўли блан сув нобудгарчилигини йўқотиш, сувдан планли фойдаланиш, омборлардаги сувнинг каналларга қўйилишини тартибга солиш фақат сўгориладиган майдонларни кенгайтиришгагина эмас, балки сўгориладиган барча майдонларнинг сув та'минотини анча яхшилашга ҳам имкон беради.

Барча экинлардан тобора мўл ҳосил етиштириш ҳамда Мирзачўл ва Чирчиқ — Оҳангарон—Келес массивларидаги янги ерларни ишга солиш учун бирқатор мелиоратив, агротехник, гидротехник ва ташкилий тадбирлар амалга оширилиши керак.

Ўт-далалали олмошлаб экишни жорий қилиш, иҳота дарахтзорлари барпо қилиш, далаларни текислаш, барча экинларни сўгоришда рационал усулларни қўллаш, ерни экишгача ва экишдан кейин ўз вақтида сифатли қилиб ишлаш ва ҳоказолар агротехник тадбирлар жумласига киради. Бу тадбирлар натижасида ер унумдорлигининг, демак экинлар ҳосилининг ошиши учун шароит туғдирилади, сув тежаб сарфланади, шўрҳоқлик ва ботқоқликка қарши кураш ишлари осонлашади.

Беда агротехникасини юқори даражага кўтариш керак, акс ҳолда бу экиндан кутилган даражада агротехник ва хўжалик натижани олиб бўлмайди. Беда агротехникаси яхшиланганида уни 4—5 марта ўриш ва ҳар гектардан камида 100 центнердан ҳосил олиш мумкин.

Экин сўгорилганда тупроқ баравар намланиши учун ерни текислаш лозим. Дала текис бўлмаса ер унумдорлиги ҳам бирхилда яхши бўлмайди. Сўгоришда сув 1,5—2 марта кўп сарф бўлади, шўрни ювиш қийинлашади. Бунинг устига ҳосил камаяди.

Ҳарбир экинни сўгоришда тупроқнинг сув-химик хоссалари ва унумдорлигига, сизот сувларининг даражасига, иқлим шароитига, ниҳоят ҳосил тўғрисида берилган топшириқларга қараб иш олиб бориш керак.

Мелиоратив тадбирларнинг гидротехник комплекси жумласига: сўгориш шохобчалари фойдали иш коэффициентини ошириш чоралари; мелиоратив жиҳатдан ноқулай бўлган районларда аҳолининг сув та'минотини бошқача йўл блан уюштириб, экин ўсув даврида ташқари вақтларда каналларга сув қўймаслик; сўгориш шохобчалари, коллектор, зовурларни доим тартибли ҳолатда сақлаш, янгиларини қуриш; сувни тақсимлаш, ўлчаш иншоотларини, қўриқлар ва ҳоказоларни мустаҳкамлаш ишлари киради.

Мирзачўл дашти, Чирчиқ—Оҳангарон массивларидаги кўпгина майдонларда янги зовур ва коллекторлар қурилиши керак.

Сизотни қочириш шохобчалари икки хил гидрогеологик зонада олиб борилади. Бир зонада (Чирчиқ—Оҳангарон—Келес массивларида) ерости сувлар чучук бўлиб, иккинчи зонада (Мирзачўл, Далварзинда) ерости сувлари бирмунча минераллашгандир.

Сизот сувлари чучук бўлган ва юза турган ерларда асосий мелиоратив ишлар ерни ботқоқланишига қарши курашдан иборат бўлиши лозим. Бу ҳолда ернинг 1—1,2 метр қалинликдаги бет қавати қуритилса, кўп харажат қилмасдан бу ерларда қишлоқ хўжалик экинларининг деярлик ҳаммасини ўстириб, мўл ҳосил етиштириш мумкин бўлади. Дарахт ўстириладиган ерларда ер бети 2—3 метр қалинликда қуритилиши керак.

Бу зонада қуритиш нормаларига мувофиқ зовурлар ер бетидан ўлчаганда кўпи блан 1,2—2 метр чуқурликда бўлса бас. Агар зовурлар чуқур бўлиб, сизот суви анча паст туширилса сўгориш учун сув кўп сарф бўлади. Бунинг ера фойдаси йўқ.

Ерости сувлари чучук бўлган ерларда сизотни вертикаль усулда қочириш ҳам мумкин. Бу ҳолда ердан юқорига тортиб олинган чучук сувдан экинларни сўгориш учун фойдаланса ҳам бўлади.

Чирчиқ—Оҳангарон—Келес массивларида сизот сувларини пастга тушириш талаб қилинадиган ерлар 80 минг гектарга етади. Бундан 27 минг гектар ер Чирчиқнинг чап томонидаги ерларга 30 минг гектари Оҳангарон атрофларига тўғри келади.

Бу ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш учун мавжуд зовур, коллекторларни тозалаш ва янгиларини қуриш керак. Шунда бу ерлардаги зовур-коллекторлар узунлиги 1300 километрга етиб, уларда 400 та ҳархил иншоотлар бўлади.

Ерости сувлари шўр бўлган ва юза турган Мирзачўл ва Далварзин даштларидаги ерларда олиб бориладиган мелиорация ишлари ерни тамом шўрсизлантиришга қаратилмоғи лозим.

Шўр ювилгандан кейин унинг яна кўтарилмаслиги ёки унинг та'сирини жуда камайтириш учун сизотни шундай пастга тушириш керакки, капилляр найчалар орқали шўр кўтарилиб ўсимлик илдизлари жойлашадиган қаватга чиқаолмасин. Шунинг учун бу ерларда зовурлар шундай чуқурликда қазилиши керакки, зовурдаги сув ер бетидан қараганда 2—2,5 метр пастда туриши керак. Шунга кўра коллекторлар зовурлардан 30—50 сантиметр чуқур бўлиши керак.

Ери шўрҳоқ бўлган шўр асари бўлган районларда коллектор ва зовурларда сувнинг кўтарилишига асло йўл қўймаслик лозим.

Зовурлар айни чуқурликда дуруст ишлаб, илғор агротехника қўлланилганда бу ерларда барча қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш мумкин. Лекин шунда ҳам ҳар йили ёки айрим йилларда ер шўри ювилиб туриши керак.

Шўрнинг қайталанишидан ва ер шўрининг ювилишидан тамомила қутилиш учун зовурларнинг чуқурлигини 3—4 метрга етказиш зарур. Бунинг учун сизотни вертикаль усулда қочириш керак. Мирзачўл Далварзин даштларининг геологик тузилиши сизотни вертикаль усулда қочиришга қулайдир. Вертикаль зовур қудуқларидан тортиб олинган сувни соф ҳолида ёки оқар сув блан аралаштириб сўгоришда, ерларнинг шўрини ювишда фойдаланиш мумкин.

Мирзачўлда 100 минг гектарча ернинг мелиоратив аҳволи анча оғир. Бу ерларнинг мелиорацияси учун дастлаб мавжуд зовур ҳамда коллекторларни чуқурлаш зарур. Чунки уларнинг ҳозирги чуқурлиги минераллашган сизотни зарур даражада пастга туширишга имкон бермайди. Биринчи навбатда Шўрўзак, Кендик, Қуйбўтпан, Железнодорожний зовурлари чуқурланиши керак.

Сардобо пастлигига томон чўзилган, тезда мелиоратив чоралар кўрилишини талаб қилган ерлар 30 минг гектарча келади. Бу ерларни қуритиш учун йил сувини Сирдар'ёга туширишдан юборадиган Арнасой коллекторини қазиш керак. Шу блан бирга жанубий Мирзачўл канали зонасидаги сизот сувларини тортиш учун бу ерлардаги коллекторларни Арнасой коллекторига улаштириш лозим.

Умуман Мирзачўл районларида биринчи навбатда тўблан тозаланиши ҳамда янгидан қурилиши лозим бўлган зовур, коллекторларнинг узунлиги 300 километр бўлади.

Далварзин даштида умуман 40 минг гектар ернинг мелиоратив аҳволи яхшиланиши лозим. Бунда ҳам Мирзачўлдагига ўхшаш мелиоратив тадбирларнинг барчаси амалга оширилиши керак.

Ташкилий тадбирлар жумласига шоли экинини районлаштириш ишн киради. Бу экин ернинг мелиоратив ҳолатига зарар келтираётгани яққол бўлиб қолган жойларда экилмаслиги керак. Барча колхоз ва совхозларда сувдан планли асосда фойдаланиш тартиби жорий қилиниши керак. Нормадан ортиқ сув олишга йўл қўймаслик, сўгориш техникасини юқори даражага кўтариш, экинни фақат эгатлар орқали сўгориш ва экин қаторларини ўз вақтида ишлаш лозим. Юқорида айтилган тадбирлар амалга оширилганда партия ва ҳукумат томонидан берилган топшириқ муваффақиятли адо этилган бўлади.

БМТ Бош Ассамблеясининг тўққизинчи сессияси

Махсус сиёсий комитетда

НЬЮ-ЙОРК, 13 ноябрь. (ТАСС). Махсус сиёсий комитет Бирлашган Миллатлар Ташкилотига янги а'золар қабул қилиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишни давом этдирмоқда.

Комитет муҳокамасига Аргентина, Ҳиндистон, Куба ва Сальвадор делегацияларининг бирлашган резолюцияси проекти тақдим этилган эди. Бу резолюция проектида БМТ азо'лигига қабул қилиш ҳақида берилган ва ҳозиргача қарор қабул қилинмаган аризаларни Бош Ассамблеянинг ушбу сессиясида бўлган дискуссия тўғрисидаги тўла ҳисобот блан биргаликда яна кўриб чиқиш ва ижобий рекомендациялар тақдим этиш учун Хавфсизлик Кенгашига қайтариб юбориш таклиф этилади. Шу блан бирга, резолюция проектида янги а'золар қабул қилиш юзасидан Перу, Миср ва Голландия вакилларидан иборат қилиб тузилган «холис хизматлар» комитети ўз ишини давом этдирсин ва бу масалани ҳал этиш учун Хавфсизлик Кенгаши блан биргаликда куч-ғайратини сарфласин ҳамда имкони борича Бош Ассамблеянинг ушбу сессиясига, лоақал, Бош Ассамблеянинг навбатдаги ўнинчи сессиясига ўз иши ҳақида доклад тақдим қилсин деб кўзда тутилади.

Бу резолюция проектидан ташқари, комитет муҳокамасига Аргентина, Куба ва Сальвадор делегацияларининг резолюцияси проекти ҳам тақдим этилган. Бу резолюция проектида Хавфсизлик Кенгашига Австрия, Ирландия, Италия, Ливия, Непал, Португалия, Финляндия, Иордания, Цейлон ва Япония Устав талабларига жавоб беради ва БМТ а'золари қабул қилишлари лозим деб ма'лумотга олиш таклиф этилади. Бу проект ғарбий давлатларнинг янги а'золари қабул қилиш масаласига узоқ вақтдан буён бирёқламалик блан қараб келаётганликларини, Албания, Болгария, Венгрия, Мўғулистон Халқ Республикаси ва Руминия каби демократик мамлакатларни қабул қилишга қарши чиқаётганликларини кўрсатади. Бирқанча делегатларнинг нутқларида кўрсатиб ўтилганидек, бу хил проект БМТнинг универсал ташкилот бўлиши принципига хилоф бўлиб, ба'зи давлатларга нисбатан фаворитизм сиёсати (ғарбий мамлакатларнинг делегациялари бу давлатларнинг қабул қилинишини ёқлаб чиқаётирлар) ва ба'зи давлатларга нисбатан камситиш сиёсати (АҚШ, Англия ҳамда бошқа мамлакатлар бу давлатларнинг қабул қилинишига қарши чиқмоқдалар) юргизилаётганлигини акс этдиради. Ғарбий давлатларнинг бу хил позицияси Ҳиндистон, Индонезия, Сурия, Польша, Чехословакия ва Совет Иттифоқи делегациялари томонидан ҳақли суратда танқид қилинди.

СССР вакили А. А. Соболев ўз нутқида эслатиб ўтдики, СССР делегацияси комитет муҳокамасига резолюция проекти тақдим этди. Бу резолюция проектида Бош Ассамблеянинг Албания, Мўғулистон Халқ Республикаси, Болгария, Руминия, Венгрия, Финляндия, Италия, Португалия, Иордания, Ирландия, Австрия, Цейлон, Непал ва Ливия аризаларини бу давлатларнинг ҳаммасини айни бир вақтда БМТ а'золигига қабул қилиш ҳақида рекомендация бериш мақсадида яна кўриб чиқишни Хавфсизлик Кенгашидан сўраши кўзда тутилади. Бу резолюция проекти БМТнинг универсал бўлиши принципига жавоб беради ва Уставнинг қоидаларига тамомила мос келади. Совет резолюцияси проектининг қабул қилиниши бу масалада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тушиб қолган ғайритабиий аҳволни бартараф қилишга Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ёрдам берган бўлар эди.

Шу блан бирга, деди сўнгра А. А. Соболев, Совет Иттифоқи делегацияси 14 давлатни қабул қилиш ҳақидаги резолюция проекти тўғрисида ба'зи делегатларнинг айтган мулоҳазаларини назарга олиб, бошқа компромисс таклифни (агар бу таклиф зарур кўпчиликни олаолса), чунончи: Болгария, Венгрия, Руминия, Финляндия ва Италияни айни бир вақтда қабул қилиш ҳақидаги таклифни тақдим этишга тайёр: дир. Мазкур мамлакатлар блан сулҳ шартномаси имзолаган давлатлар шу мамлакатларни БМТга қабул қилиш ҳақидаги илтимосни қўллаб-қувватлаш мажбуриятини олганликлари ма'лумдир.

Совет Иттифоқи делегацияси, деб уқтириб ўтди А. А. Соболев, бу муҳим проблемани ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ҳал этиш йўлларини излаб топиш учун бор куч-қувватини сарфлашга тайёрдир. Совет делегацияси «холис хизматлар» комитетининг ишини давом этдириш заруллиги ҳақида, шунингдек бу масалани Хавфсизлик Кенгашида яна муҳокама қилиш тўғрисида Комитетда кўпчилик делегациялар томонидан билдирилган фикрга қўшилади.

Аргентина, Ҳиндистон, Куба ва Сальвадор делегациялари тақдим этган резолюция проектида бу умумий истак баён қилинган. Шу сабабдан СССР делегацияси ана шу резолюция проектини ёқлаб овоз беради.

А. А. Соболев яна айтдики, Австралия, Покистон ва Таиланд делегацияларининг Лаосни ва Камбоджани қабул қилиш ҳақидаги таклифини СССР делегацияси қувватлайолмайди, чунки бирқанча делегациялар айтиб ўтганидек, бу мамлакатларни БМТ а'золигига қабул қилиш ҳақидаги масалани муҳокама қилишни бутун Ҳинди-Хитой проблемасини Жанва кенгашида эришилган битимларга мувофиқ равишда сиёсий жиҳатдан тўла равишда ҳал қилгунча кечиктириш мақсадга мувофиқдир.

Дискуссия вақтида кўпгина делегатлар Аргентина, Ҳиндистон, Куба ва Сальвадор резолюция проекти БМТга янги а'золар қабул қилиш проблемасини БМТнинг универсаллиги руҳида ҳал қилишни енгиллаштирганлиги сабабли бу резолюция проектининг биринчи бўлиб овозга қўйилишини ёқлаб чиқдилар. Жумладан, Польша, Сурия, Чехословакия, Гаити, Югославия вакиллари ва бошқа вакиллар шундай руҳда сўзладилар. Ҳиндистон вакили, Аргентина, Ҳиндистон, Куба ва Сальвадор делегациялари тақдим этган резолюция проекти биринчи навбатда овозга қўйилсин, деб расмий таклиф киритди. Ба'зи делегацияларнинг, шу жумладан АҚШ, Австралия, Франция, Англия делегациялари ва бошқа делегацияларнинг бундай қарор қабул қилинишига зўр бериб қаршилик кўрсатишларига қарамай, Ҳиндистон вакилининг таклифи қабул қилинди.

Шундай қилиб, Аргентина, Ҳиндистон, Куба ва Сальвадор делегациялари тақдим этган резолюция проекти биринчи навбатда овозга қўйилди. Резолюция проекти бир овоздан қабул қилинди.

Шундан кейин Ҳиндистон ва Индонезия делегациялари томонидан резолюция проекти тақдим этилди. Бу резолюция проекти, Махсус сиёсий комитетда БМТга янги а'золар қабул қилиш масаласи юзасидан турли делегациялар тақдим этган бошқа ҳамма резолюция проектлари ва ҳархил тузатишлар проектлари Хавфсизлик Кенгашига топширилсин, деб таклиф этилади. Бу таклиф Махсус сиёсий комитетнинг 15 ноябрьда бўладиган келгуси мажлисида муҳокама қилинади.

АҚШнинг Осиёдаги сиёсати ҳақида Синьхуа агентлиги обзорчисининг ёзганлари

ПЕКИН, 15 ноябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги ўз обзорчиси Цзян Наньнинг мақоласини э'лон қилди. Мақолада бундай дейилади:

АҚШ давлат секретари Даллес сенатнинг ташқи ишлар комиссиясида 11 ноябрьда нутқ сўзлаб, Хитой устига яна туҳмат ва бўхтонлар ёғдирди. Бу сафар у, Хитойнинг «агрессив ниятлари бор, бу ниятлар: унинг тинчликка интилиш тўғрисида айтаётган катта-катта гапларини пучга чиқармоқда» деди. Даллеснинг Хитой устига бундай ёлғон айб қўйишидан мақсади шуки, унинг нутқидан ма'лум бўлишича, Даллес «кўпоручилик фаолияти»га қарши курашиш воситаларини муҳокама қилмоқ учун СЕАТО мамлакатлари вакилларини «тезлик блан» кенгашга тўплашни истамайди.

Аммо Хитойнинг «агрессив ниятлари» борлигини кўрсатадиган қандай далиллар бор? Даллеснинг айтишига қараганда, Юньнаньда Тай автоном районининг тузилганлиги мана шундай «далил» эмиш. Шу муносабат блан Даллес Вьетнам Демократик Республикасига қарши ҳам бўлмагур туҳмат гапларни айтди.

Хитойдаги майда миллат бўлган таиларнинг Хитой Халқ Республикаси конституциясига мувофиқ равишда автоном район тузганликлари Таиландга таҳдид солучи «эркин таилар ҳаракати» деб кўрсатилмоқда. Броқ, бу да'во АҚШнинг Таиландга бостириб киришини пардалаши лозим бўлган ниқобдан бошқа нарса эмас. Даллеснинг, Хитой Юньнанда «анчагина катта қуролли кучлар сақлаб турибди, деб қилган да'восидан мақсад Хитой блан Бирма ўртасидаги дўстона муносабатларга путур етказишдир, холос. Броқ, бутун дунёга шу нарса жуда яхши ма'лумки, Бирма территориясида хоин Чан Кай-ши шайкаларининг қуролли кучлари турибди ва улар Ғўшма Штатлардан ёрдам олмоқдалар. Бирма ҳукумати бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкилотида икки марта норозилик билдирди.

Шу фактдан ҳам кўз юмиб бўлмайдики, Даллес Хитойни «эркин таилар ҳаракати»ни ташкил қилишда қуруқ тахмат блан айблаб турган бир пайтда, Американинг агрессив доиралари қуролли кучлар ёрдами блан Тайваньни оккупация қилиб турибдилар ва «мустақил Тайвань давлати» тузиш режаларини қурмоқдалар. Даллес, Хитой ма'мурлари Юньнаньда жуда кўп қуролли кучларни сақлаб турибдилар, деб айтаётган бир вақтда АҚШнинг катта харбий-денгиз ва харбий-ҳаво кучлари Хитой чегаралари олдида патрульлик қилиб юрибди ва ҳатто Хитой чегараларини бузмоқда. Даллес, Хитой Шарқи-Жанубий Осиёда «кўпоручилик ишлари» блан шуғулланмоқда, деб айтиб турган бир пайтда, АҚШнинг Гватемаладанги собиқ элчиси Жон Пэрифуа (У, Гватемалада давлат тўнтариши яслш блан ном чиқарган) Таиландга келди. Индонезиянинг ҳозирги ҳукуматини ағдариш мақсадида хийла-найранглар ҳам қилинмоқда. Даллес Вьетнам Демократик Республикаси ўзининг харбий қувватини кўпайтирмоқда деб ёлғон туҳмат ёғдириб турган бир вақтда, Америка генерали Лоутон Коллинс Сайгонга келди. Ҳатто Даллес «бу мамлакатда, шунингдек Лаосда ва Камбоджада харбий соҳада нималар қилиниши лозим, деган масала ҳозирги вақтда зўр бериб ўрганилмоқда» деб э'тироф қилди.

Бу фактлар очиқдан-очиқ шуни кўрсатадики, Ғўшма Штатлар «коммунистик агрессия» бор, деган баҳона блан аслда бундай агрессия йўқ ваҳима ва ташвиш туғдириш, Осиёда адоват вужудга келтириш ва Осиёдаги айрим мамлакатларни Осиёдаги бошқа давлатларга қарама-қарши қилиб қўйиш мақсадида СЕАТО ташкил қилиш тўғрисидаги шартномани тузишга бошчилик қилди. АҚШнинг шу шартномани тузишдан мақсади яна шуки, АҚШ «кўпоручилик фаолиятига» тўсқинлик қилиш ва унга қарши курашиш баҳонаси блан Осиё давлатларининг ички ишларига аралашиш, Осиёдаги миллий-озодлик ҳаракатини бостириш ва Осиё мамлакатларида мустамлака режимини ўрнатиш ниятидадир.

Ҳақиқатда шундай бўлмоқдаки, АҚШнинг агрессив кучлари Хитойнинг аслда бўлмаган «агрессив ниятлари» бор деб лоф уриб аслда Хитойнинг ҳечқандай агрессив ниятлари йўқ, ўзлари Шарқи-Жанубий Осиёга махфий равишда кириб олмоқдалар. «Хитойнинг агрессив ниятлари бор» деган уйдирмалар Америка агрессиясини яшириш усулидан бошқа нарса эмас.

ПРЕЗИДЕНТ ЭЙЗЕНХАУЭР ПАРИЖ БИТИМЛАРИНИ АҚШ СЕНАТИГА ТОПШИРДИ

ВАШИНГТОН, 15 ноябрь. (ТАСС). Президент Эйзенхауэр Ғарбий Германияни қуроллантириш тўғрисидаги Париж битимларини 15 ноябрьда сенатга юборди. Эйзенхауэр шу битимларга қўшиб юборган ўзининг хатида битимларни ратификация қилиш учун «сенатнинг маслаҳати ва розилигини» сўраган.

МОСАДДИҚ УСТИДАН ЯНА СУД УТКАЗИШ УЧУН ТАЙЁРГАРЛИК КУРИЛАЁТГАНЛИГИ ҲАҚИДА ЭРОН ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ТЕҲРОН, 15 ноябрь. (ТАСС). «Фармон» газетаси хабар беради- Ҳарбий суд органлари Мосаддиқнинг қамоққа олинган ва оппозициячилик фаолияти учун суд қилинаётган офицерлар блан алоқаси бор деб гумон қилиб, уни 10 ноябрьдан бошлаб яна тергов қилишга киришдилар.

МЕНДЕС-ФРАНС КВЕБЕККА КЕЛДИ

ПАРИЖ, 15 ноябрь (ТАСС). Франс-Пресс агентлигининг Квебекдан олиб берган хабарига қараганда, Франция бош министри Мендес-Франс кеча Квебекка келган.

ЭРОНДА ОППОЗИЦИЯЧИ ЭЛЕМЕНТЛАРДАН УЧ ОЛИНМОҚДА

ТЕҲРОН, 15 ноябрь. (ТАСС). «Доғ» газетаси хабар беради: Эрон иккинчи инстанция ҳарбий суди офицерларининг еттинчи группаси иши юзасидан 13 ноябрьда ҳукм чиқарди. Айибдорлардан икки кишининг ҳар қайсиси саккиз йилдан, қолганларининг ҳарқайсиси 10 йилдан қамоққа ҳукм қилиндилар.

Германия меҳнаткашлари компартия устидан иғвогарлик ниятида уюштирилаётган суднинг бекор қилинишини талаб этмоқдалар.

БЕРЛИН, 15 ноябрь. (ТАСС). Германия меҳнаткашлари компартия устидан ўтказилмоқчи бўлган ва Бонн ма'мурлари томонидан 23 ноябрьга белгиланган суднинг бекор қилинишини талаб этмоқдалар.

АДН агентлигининг хабар беришича, яқинда Нюрнбергда оммавий митинг бўлган. Митингда компартия правлениеси секретариатининг а'зоси В. Мон нутқ сўзлаган. У, ҳозир бўлганларга мурожаат қилиб, компартияни мўлжалланаётган суд та'қибидан ҳимоя қилиш немис халқининг демократик эркинликларини ҳимоя қилиш демакдир, деган. Митинг қатнашчилари Карлсруэдаги федерал судга норозилик билдириш юзасидан қабул қилинган резолюцияда компартия устидан бўладиган судни бекор қилишни талаб этганлар.

Демократик матбуотнинг хабар беришича, Рессер Маркдаги (Гельзенкирхен) кончилар касаба союзининг маҳаллий ташкилоти а'золари ва социал-демократик партиянинг Гехюльцдаги (Бавария) маҳаллий группаси йиғилишининг қатнашчилари ҳам компартиянинг суд йўли блан та'қиб қилинишига қарши чиққанлар. Гамбургда демократик ҳуқуқларни ҳимоя қилиш комитетининг а'золари ГКП устидан Карлсруэда бўладиган судга қарши норозилик билдириб ёзилган мактубга имзо тўпламоқдалар.

Унтервелленборндаги (Эрфурт округи) «Макс-Хатте» корхонасининг ишчилари ҳам ГКП устидан бўладиган суднинг бекор қилинишини талаб этганлар.

Нажибнинг ўз мансабидан четлатилганлигига доир

ЛОНДОН, 15 ноябрь. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Қоҳирадан берган хабарига қараганда, «революцион раҳбарлик кенгаши»нинг вакили кеча баёнот бериб, Носир ҳукумати мансабидан четлатилган президент Нажибнинг тақиқланган «Мусулмонлар биродорлиги» ташкилоти блан бўлган алоқасини текширишга дархол киришади, деган. «Агар исботлайдиган етарли далиллар топилса, — деган у, — Нажибнинг бўйнига айб қўйилади ва судга берилади».

Қоҳира кўчаларида кучайтирилган полиция нарядлари соқчилик қилиб юрипти. Бу полиция нарядлари генерал Нажибнинг четлатилганлигига қарши юз бериши мумкин бўлган ҳарбир намойишни бостиришга тайёр турипти.

ЛОНДОН, 16 ноябрь. (ТАСС). Лондон радиоси Миср «Революцион раҳбарлик кенгаши»нинг баёнотини э'лон қилди. Бу баёнотда президентлик мансабидан четлаштирилган Нажиб, «коммунистларга» ва «Мусулмонлар биродарлиги»га Носир ҳукуматини ағдариш йўлидаги уринишда ўзидан фойдаланишга йўл қўйиб берди, деб айибланади. Баёнотда айтилишича, собиқ президент бош министрликдан кетганидан кейин ҳукуматга қарши фитналарнинг ҳаммасида қатнашган эмиш.

Тошкентда



★

Бешёғоч майдонидаги Ташсовет номли театр биносини қуриш ишлари тамом бўлай деб қолди. Театр биносини қуришда ҳозирги замон архитектура меморлик сан'атининг барча имкониятлари ҳисобга олинди. Айниқса 800 кишига мўлжалланган тамоша зали ва унинг гумбази яхшилаб ишланди, фойе ва клуарларнинг пештоқлари рангбаранг бўёқлар блан безатилди.

Театрнинг саҳнаси энг янги техника асосида қурилди. Театр биноси битгач, унга Муқимий номли музикали драма театри кўчиб келади. **Суратда:** театр биноси.

В. Салов фотоси.

★

Колхозчилар учун

«Ўзбекбирлашув»нинг Тошкент базаси республикамизнинг кўпгина районларига турли уст-бош кийимлар, хирмонлар устини ёпиш учун мингларча метр қоп мато ва бошқа маданий буюмлар юбормоқда. Яқинда областимиз пахтакорларига 200 жуфт этик, 300 комплект иссиқ кийимбош, 200 дан ортиқ радиоприёмник ва унинг батареялари жўнатилди.

Шу кунларда пахтакор районларнинг далаларида «Ўзбекбирлашув»нинг 700 дан ортиқ кўчма дўконлари ишламоқда. Дўконлар газлама, қанд, чой каби маҳсулотлар ва рўзғор буюмлари блан етарли та'минланган. Колхозчиларга кундалик газета ва журналлар ўз вақтида етказиб берилаётир.

Ишчи-ёшлар мактабида адабий кеча

Октябрь районидаги 28-нчи ишчи-ёшлар кечки мактабида классик ва совет ёзучилари ҳамда шоирларининг ижодига бағишланган адабий кечалар тез-тез ўтказилиб туради. Яқинда бу ерда улуғ рус шоири Н. А. Некрасовнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

Кечала 10-нчи синф ўқучиларидан Назаров «Некрасов — улуғ демократик шоир», И. Носиров «Шоир ва гражданин» деган темаларда доклад қилдилар. Шундан сўнг ўқучилардан Абдуллаев, Усмонова, Ёқубов ва Каримов ўртоқлар Некрасовнинг «Россияда ким яхши яшайди», «Ватан», «Темир йўл» каби асарларидан парчалар ўқиб бердилар. Кечага мактабнинг 200 дан ортиқ ўқучиси қатнашди.

Заказчилар талаби қондирилмоқда

«Узглавкниготорг»га қарашли 1-нчи магазин ҳузуридаги китобларни почта орқали юбориш бўлимига республикамиз ва қардош республикаларнинг шаҳар ҳамда қишлоқларидан турли китобларга заказлар келиб туради. Бўлим ходимлари узоқ жойларда яшовчи китобхонларнинг талабларига биноан уларга турли адабиётларни юборадилар.

Бу бўлим 1954 йилнинг фақат ўнбир ойи ичида заказчиларга 56 минг 994 сўмлик турли китоб юборди. Булар ичида «СССР тарихи», «Ленинизм масалалари», «Сиёсий иқтисод» каби сиёсий адабиёт ва бошқа бадиий китоблар, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва техникага доир адабиётлар бор.

Бўлим ҳар куни заказчиларга ўрта ҳисоб блан 20—30 китоб жўнатиб турипти.

Олимлар уйида

Республика Олимлар уйининг коллективи шаҳар аҳолиси ўртасида лекция пропагандасини кучайтирмоқда. Бу ерда лекторийларда ўқилаётган лекцияларга завод-фабрика ишчилари, институтларнинг студентлари, илмий ходимлар ва ота-оналар қатнашмоқдалар.

Олимлар уйи лекторийларида шу йилнинг ўн ойи мобайнида юздан ортиқ лекция ўқилди ва тарихий кунларга бағишланиб 30 дан ортиқ доклад уюштирилди. Ўқилган лекцияларнинг кўпчилиги халқаро аҳвол, илмий-атеистик, маданият, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва техникага оид темаларда бўлди. Ота-оналар учун 13 темада лекция ўқиб берилди. Классик ва совет адабиётининг ёзучи ва шоирларининг ижодига бағишланган 10 дан ортиқ темада лекция — концерт ўтказилди.

Бу ерда ташкил этилган драма тўгарагининг коллективи ҳам ижодий иш қилмоқда. Бадиий ҳаваскорлар Шредер номли мевачилик тажриба станцияси ходимлари ва қишлоқ хўжалик институтининг студентлари учун катта концерт қўйиб бердилар ҳамда А. П. Чеховнинг «Айиқ» асари асосида ишланган пьесани кўрсатдилар. Ҳозир улар Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллик юбилейи кунларида тамошабинларга кўрсатиш учун Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» драмасининг биринчи пардасини тайёрламоқдалар.

Суратда: Тошкент районидаги Сталин номли колхоз агрономи **М. С. Малигин** траншеядаги лимонларни текширмоқда.

Қ. Розиқов фотоси

(ЎзТАГ фотохроникаси).

Ўқитучилар учун семинар

Республика мактабларининг бошланғич синфлари программасига шу йилнинг янги ўқув йилидан бошлаб меҳнат дарси киритилди. Шу муносабат блан К. Д. Ушинский номидаги ўқитучилар малакасини ошириш республика институти бошланғич мактабларнинг ўқитучиларига меҳнат дарсини қандай уюштириш ва ўтказишда амалий ва методик ёрдам бериш мақсадида институт ҳузурида икки ойлик семинар ташкил этди. Семинар машғулотларига Тошкент шаҳар мактабларининг кўпгина ўқитучилари жалб этилди.

Семинар қатнашчилари машғулотлар давомида «Моҳир қўллар» тўгаракларини ташкил этиш ва ўқув-тажриба участкаларидаги амалий ишларни уюштириш масалалари блан танишмоқдалар. Тўқучилик, модельлар ясаш ва жонли табиатни ўрганиш бўйича олиб борилаётган машғулотларга тажрибали инструкторлардан Ю. Смирницкая ва С. Страшков ўртоқлар бошчилик қилмоқдалар.

Цирк артистларининг гастроли

СССР Маданият министрлигининг цирклар Бош бошқармасига қарашли Саратов шаҳридаги бирлашган цирк артистларидан бир группаси Тошкентга гастрольга келди ва шаҳар меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатаётир. Октябрь совет-колхоз бозори территориясида тамоша кўрсатаётган цирк артистларининг номерлари турли ва қизиқарлидир.

Айниқса аттракцион ўйинлар устаси, машҳур спорт мастери Виктор Вашченко ва Элеанора Вашченколар моҳирлик блан мотоциклда айланма деворда чопишлари блан тамошабинларни жуда қизиқтирмоқдалар. Улар, мотоцикль ниҳоятда тезлик блан айланаётган вақтида қўлни рульдан қўйиб юборадилар. Бундан ташқари айиқларни ўргатган ёш артист Виктор Бичковскийнинг номери ҳам қизиқарлидир.

Группа артистларининг ўйинларини 10 кун ичида 30 мингдан ортиқ киши кўрди. Цирк артистлари бирнеча ой Тошкентда бўладилар ва янги номерлар кўрсатадилар.

Об-ҳаво ма'лумоти

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Тошкентда ҳаво бироз булутланиб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Температура 19—21 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/XI да **Май тўкилди**, 18/XI да **Отелло**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 17 ноябрьдан бошлаб ҳар куни — 10 қизиқчининг иштироки блан **кулги, юмор ва сатира кечалари**. Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Билетлар цирк кассасида эрталаб соат 11 дан сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 21/XI да кундуз соат 1 да **«Ўзбекистон совет композиторлари»** деган темада **лекция-концерт**. Лектор — **М. Аҳмедов**. Билетлар сотилмоқда.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — янги чехословак бадиий фильми **Комедиантлар**.

«ИСКРА» — 3-нчи залда кундуз соат 4—20 ва кеч 6—20 минутда **Бой ила хизматчи** (рус тилида).

1-нчи Май кўчаси, 49-нчи уйда туручи **Николай Иванович Жерновнинг** шу уйда туручи Евгения Васильевна Жерновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Марказий район, 4-нчи участка халқ судида кўрилади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент область, шаҳар комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари область ва шаҳар Советларининг органлари

Ўзбек тилида чиқадиган

„Тошкент ҳақиқати“

ва рус тилида чиқадиган

„Ташкентская правда“

НОМЛИ ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИГА

1955 йил учун

ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бу газеталар «Правда» газетасининг форматида 4 саҳифадан иборат бўлиб, ҳафтада 5 марта чиқади.

Ҳар газета учун обуна баҳоси:
1 ойга — 4 сўм 35 тийин.
3 ойга — 13 сўм —
6 ойга — 26 сўм —
12 ойга — 52 сўм —

Обуна «Союзпечать»нинг шаҳар ва район бўлимларида, алоқа конторалари, бўлимлари ва агентликларида, почтальонлар томонидан, шунингдек корхона, муассаса, қурилиш ва ўқув юртларидаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЯТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия гурмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими—135. Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р. 08720. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1589.